Халқ зиёлилари рўзномаси

Маърифат

معرفت

MARIFAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1992 ЙИЛ 14 НОЯБРЬ, ШАНБА

№ 94 (6590).
Баҳоси 1 сўм 50 тийин.

«ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ—92»

ХАЛҚАРО АНЖУМАН ТАРАДДУДИДА

Илмий-билимнинг ривожланиши ва унинг амалиётга тадбиқи илмий ва амалий йўналишларнинг ўзаро уйғунлашиб кетишига олиб келди. Энди биргина соҳада эмас, балки бир неча соҳа билимларига эга ва бу билимларни умумлаштира оладиган, уларнинг турли моделларни мажмунни шакллантира биладиган кенг ихтисосли мутахассисларга бўлган талаб янада ортиб кетди. Илгари оддийгина бўлиб кўринган тизим тушунчаси энди махсус умумилмий даражага кўтарилди. Чунки тизимли таҳлилсиз иқтисодий томондан юқори самарадорликка, халқ фаровонлигининг юқори кўрсаткичларига эришиб бўлмаслиги аниқ кўриниб турибди.

Тизимли таҳлил муаммолари юзасидан ривожланган хорижий мамлакатларда турли халқаро симпозиумлар, илмий кенгаш ва йиғилишларнинг анъанага айланиб қолганлигини таъкидлашнинг ўзи бу йўналишнинг нақадар аҳамиятлилигини белгилаб бермоқда. Вазият ана шундай илмий йиғилишларни мустақил Ўзбекистон диёрида ҳам ўтказилишини кун тартибига қўйгани бежиз эмас.

Бундай анжуманнинг «Тизимли таҳлил—92» шиори остида биринчи маротаба Тошкентда 16—18 ноябрь кунлари ўтказилиши республикамиз аҳли учун катта бир ҳодисага айланиши турган гап. Бу йиғилиш «Ўзбекистон» илмий-саноат, ташқи иқтисод ва амалий ҳамкорлик ассоциацияси ҳамда Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника дорилфунуни олимлари ҳамкорлигида ташкил этилмоқда. Анжуманда собиқ Иттифоқнинг айрим шаҳарлари ва қардош Туркия мамлакатидан жуда кўплаб йирик олимлар қатнашиш истагини билдирганлар. Уч кун давом этадиган бу йиғинда республикамиз иқтисодиёти ва равнақига тааллуқли бўлган қатор муаммолар ҳам ўрганиб чиқилади.

Кўриладиган масалалар ичида электрон-ҳисоблаш машиналари, ахборот технологияси, бозор иқтисодиёти ва юқори даражада интеллектуал тизимлар татбиқига асосланган автоматик ва автоматлаштирилган бошқариш тизимлари ҳам ўрин олган. Ўйлаймизки, анжуманда кўтарилажак муаммолар халқимиз истиқболи йўлида ўзининг муносиб ўрнини эгаллайди.

Ё. ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон Муҳандислар академиясининг мухбир аъзоси, техника фанлари доктори, профессор.

Н. МАННОПОВ,
техника фанлари доктори.

БИНО ТАЪМИРДАН ЧИҚДИ

Куни-кеча Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида қайта таъмирланган бинони топшириш маросими бўлиб ўтди. Маросимни табииёт-география куллиёти декани, доцент Шавкат Миркомилов қисқача кириш сўзи билан очиб, институт ректори, профессор Комил Юсуповга сўз берди:

— Институтимизнинг ёниб кетган биносининг анча қисмини тезкорлик билан таъмирланганидан беҳад мамнунмиз. Таъмирлашдаги қилинган ишлар сифатли ва ташқи кўриниши янги биноникидан қолишмайди. Бу ишга энг тажрибали қурувчилар жалб этилди, — деб қайд этди ректор.

Шундан кейин республика халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошевга сўз берилди.

— Республикамиз мустақилликка эришгач, — деди вазир, — қисқа муддат ичида талайгина ишлар амалга оширилди. Мана бугун ҳам Президентимиз томонидан мактаб-маориф ва олий таълимга эътибор берилаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Таъмирлаш учун давлат томонидан етарли маблағ ажратилганлигига беҳад миннатдорчилигимизни изҳор этамиз...

Тантанали маросимда кекса педагог Муҳиддин Набихонов, талабалар қурилиши отряди командири М. Мирҳамидов, II босқич талабаси Ш. Умировалар ҳам дилдаги қувонч ва миннатдорчилик сўзларини айтдилар.

А. САЛИМОВ.

Нормомо Холматова 23 йилдирки Дўстлик районидаги 4-ўрта мактабда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлайди. У ҳар бир дарсни кўргазмали қуроллар асосида мазмунли ва қизиқарли ўтишга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам ўқувчилар уни жуда севишади.

СУРАТДА: Н. Холматова дарс ўтмоқда.

У. ҚУШВОҚОВ сурати.

ҚАБУЛ ЯНГИЧА БЎЛДИ

Ҳозирги вақтда ёшлар билимини тўғри аниқлашда тест синовларидан кенг фойдаланилмоқда. Жумладан, Урганч давлат дорилфунуни ҳам шу йил тест синовлари ёрдамида талабалар қабул қилди. Маълум маънода ижобий натижа келтирган бу синовни янада такомиллаштириш учун хорижий давлатлардан кўп нарса ўрганишимиз лозим, деб ўйлайман.

Масалан, Америка мактабларида ўқувчиларга оғзаки сўраб баҳо қўймасдан, ҳар ярим йилда 2—3 марта тест синови ёрдамида уларнинг ўзлаштиришини аниқлаб олишар экан. Германия олий ўқув юртларида ҳам кириш имтиҳонлари бўлмасдан, мактабдаги аттестация баҳолари орқали конкурсли қабул қилинади. Талабалар қабул қилингач, тест ёрдамида уларнинг ўзлаштиришларини аниқлаб, шунга мос равишда режалар тузилади. Кўпчилик талабалар қайси темага доир мисолларни ечолмаган бўлса, шу темаларни олий ўқув юртларида ўтишаркан.

Бу йил биринчи бор қўлланилган тест синовлари натижасида Урганч дорилфунунида 150 баллдан юқориси ижобий баҳо ҳисобланган бўлиб, ундан паст олганлар ҳам талабаликка қабул қилинди. Фақатгина ўзбек тили ва адабиёти ихтисослигига киргаларнинг ҳаммаси ижобий балл олиб талабаликка қабул қилинганини мамнуният билан таъкидлашни истардик.

Демоқчиманки, ўқувчиларни мактабданоқ тест синовларига тайёрлаш керакка ўхшайди. Бунинг учун эса синфдан ташқари ишларни ривожлантириш лозим.

С. САЪДУЛЛАЕВ,
Урганч давлат дорилфунуни алгебра ва геометрия кафедраси ўқитувчиси.

ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

АЙРИМ ЖУЗЪИЙ КАМЧИЛИКЛАР

Ўзбекистон Конституцияси лойиҳаси билан танишар эканмиз, туб моҳияти билан у халқ манфаатини ва иродасини, маслак ва дунёқарашини ифода этади, деб айтишга ҳақлимиз. Шунингдек, бу қомус мустақил Ўзбекистоннинг жаҳон олдидаги қиёфасини белгилашига ҳам имконимиз комил.

Умумхалқ муҳокамасига қўйилган лойиҳа қисқа, моддалари аниқ, мақсадни равшан ифодалаган бўлишига қарамасдан, назаримизда, баъзи жузъий камчиликлардан ҳам холи эмас. Хусусан, лойиҳанинг ўзбекча ҳамда русча матнини солиштирадиган бўлсак, ўзбекча матнида баъзан мантиқсиз иборалар учрайди, бунга таржима жараёнида йўл қўйилганлиги сезилиб турибди. Қолаверса, бундай ҳужжатда ишлатиладиган атамалар ва сўзларнинг луғавий маъноларига, айниқса, жиддий эътибор бериш керак.

Шу муносабат билан биз ҳам айрим мулоҳаза ва таклифларни билдиришни лозим топдик. Жумладан, 1-боб 4-моддада Ўзбекистон Республикасининг давлат тили тўғрисида гап боради. Назаримизда, бу моддани қуйидаги таҳрирда бериш маъқулдир: **«Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тили бўлиб, барча иш юритиш қоғозлари ўзбек тилида олиб борилади.**

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча халқларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилишни таъминлайди, уларга давлат тили — ўзбек тилини ўрганиш учун шароит яратиб беради». Бизнингча, асосий қонунда шундай белгиланса, ўзбек тилига давлат мақоминнинг берилиши қоғозда эмас, балки амалда кучга кириши мумкин.

15 ва 16-моддалар жуда ҳам мазмундор ёзилган бўлиб, унда фуқароларнинг манфаатлари қонун доирасида ҳимоя қилинажагига кафолат берилган. Бироқ, бизнингча, 15-модданинг охирги жумласини: **«Ўзбекистон Республикаси нисон ҳуқуқлари ва халқаро миқёсда эътироф этилган нормалар устунлигини тан олади ва уларга қатъий риоя этади»**, деб ўзгартириш керак.

40-моддани эса: **«Давлат мактабдаги таълим-тарбия жараёнини замонавий илм-фан ютуқлари билан уйғунлаштиради, бунинг учун эса илм-фан ва техника ривожига ҳар томонлама ғамхўрлик қилади.**

Мактаб, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида юксак савияли мутахассислар тайёрлаш учун профессор-ўқитувчилар ва тарбиячиларни маънавий-моддий жиҳатдан рағбатлантириш амалга оширилади», деб тўлдирилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Биз ҳуқуқий демократик давлат қурмоқчи эканмиз, ўзбек халқининг маънавиятини, сиёсий ва иқтисодий тафаккурини ўзгартирмасдан туриб, ҳаётини, турмуш тарзини ўзгартиролмаймиз. Шунинг учун 46-моддадаги жумлани: **«Фуқаролар ўзбек халқининг миллий қадриятларини ва анъаналарини, мутафаккирларнинг маънавий ва маданий меросини авайлаб сақлашга мажбурдирлар.**

Тарихий маънавий ва маданий мерос давлат муҳофазасига олинади ва уларни таъмирлаш, асарларини нашр этиш амалга оширилади», деб ифодаланса, яхши бўлар эди.

Шунингдек, 114-моддани **«Ўзбекистон Республикасида суд ишларини юритиш ўзбек тилида, Қорақалпоғистон Республикасида қорақалпоқ тилида олиб борилади. Суд ишлари олиб борилаётган тилни билмаган судда қатнашувчи шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлашиш ҳуқуқи таъминланади»**, деб таъкидламоқ лозим деб ўйлаймиз.

Сардор ҲУСАИНОВ,
Тошкент давлат юридик институти декани, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди, доцент,

Марҳамат АМИНОВА,
ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудири, филология фанлари номзоди, доцент,

Комил РАФИҚОВ,
чет тиллари кафедраси мудири, филология фанлари номзоди, доцент,

Солий ҲАСАНОВ,
ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди.

Менга сўз беринг

ЎЗЛИГИНГ НАМОЁН ЭТ!..

Миллат ҳақида кўп ўйлайдиган бўлиб қолдим. Балки, бунга 1991 йил 31 августда Олий Кенгашимиз эълон қилган Давлат Мустақиллиги декларацияси сабаб бўлгандир, балки, бунга замон мажбур қилаётгандир. Нима бўлганда ҳам, миллат ҳақида кўп ўйлаётирман. Ахир неча йиллар мобайнида халқимизнинг асл фарзандлари бўлган Хоразмшоҳларни, Темурни, Бобурни ва шу каби подшоларимизни аҳмоқ, қонхўр, жаллод сифатида, озодлик учун курашганларни «босмачи» сифатида тасвирлаб келдик. Бунга бир ёқлама бўлган компартиянинг ғояси сабаб бўлган. Оғизда марксизм қотиб қолган догма эмас деб гапирдиг-у, амалда ҳаммани манқуртларга айлантирмоқчи бўлдик. Раҳбарларимиз Ленининг «Инсоният тўплаган барча бойликларни билгандагина коммунист бўлиш мумкин» деган гапларини қайта-қайта такрорлашди-ю, аммо халқдан, ҳатто коммунистларнинг ўзидан ҳам инсоният тўплаган бойликлари бўлмиш — «Қуръон»ни, «Темур тузуклари»ни ва шунга ўхшаш китоб, осору атиқаларимизни беркитишди. Бир сўз билан айтганда, биз ўқимай туриб «Қуръон»ни танқид қилдик ва ўқимай туриб Маркс, Ленин асарларини мақтадик. Кечагина бирор мақола эълон қилмоқчи бўлсак, Ленининг қайсидир сийқаси чиққан гапи билан бошлаб, КПСС МК Бош котиби, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежнев (кейинчалик Ю. Андропов, К. Черненко, М. Горбачёв)ларнинг қайсидир съездда, пленумларда, учрашувларда айтган гаплари билан тугамаса, бу мақола матбуот юзини кўрмасди. Биз шиорлар билан жамиятимизда аввалига социализм, сўнгра ривожланган социализм қурдик. К. У. Черненко даврида эса ривожланган социализмни янада ривожлантирмоқчи бўлдик. Булар бугунги кунда тарихга айланди.

Мустақилликни ҳимоя қилишга ҳар бир фуқаро тайёр бўлиши керак. Биринчи навбатда зиёлиларнинг зиммасига катта масъулият юкланади. Чунки ҳамма зиёлиларнинг гапига қулоқ тутади. Миллий онгимизнинг шаклланишида ўқитувчиларнинг хизматлари катта бўлиши керак. Бунинг учун миллий руҳда дарс ўтишнинг даври келди. Агар миллий тарбия бўлмас экан, ҳеч қачон байналмилал тарбия бўлмайди. Биз ўзбеклар қадимдан бир қанча тилларни билганмиз.. Араб, форс-тожик тилларида ўз она тилидек гаплашган, қозоқ, қирғиз, туркман тилларини таржимонсиз тушунган ўзбек халқини 74 йиллик сиёсат не кунларга солди. Ҳозирги кунда бошқа тилларни билиш у ёқда турсин, ҳатто ўз она тилимизни унутаёздик.

Талабалик йилларим севимли шоиримиз Абдулла Ориповнинг «Ўзбекистон» қасидасидаги бир сатрни бузиб айтардим, кўпинча таъна гаплар эшитардим.

Забтга олиб кенг Осиёни,
Бир зот чиқди мағрур,
давонгир.
Икки аср ярим дунёни,
Зир қақшатди оқсоқ
жаҳонгир.
Дегум ҳар кун, у бобом
маним,
Ўзбекистон Ватаним маним.

Тўғри, ўзимча бу сатрларни ўзгартиришга ҳаққим йўқ эди, аммо қачондир бобомизнинг пок номлари оқланишини, халқимиз учун қилган савобли ишлари эътиборга олиниб, қалбимиз ардоғида бўлишларига ишонардим. Мен 74 йиллик сиёсатни сўкмоқчи бўламан-у, беихтиёр яна А. Ориповнинг:

Баъзан ёмон от қолур
яхши одамдан ҳатто,
Қай бир ёвуз кимсани
яхши дерлар эрта кун

деган сатрлари ёдимга тушади. Ҳақиқатан ҳам, шундай бўлди-ку, халқимизнинг асл фарзандлари қонхўр, жаллод, босмачи деб аталиб, юртимизни қонга ботирганлар «ўзбек халқига озодлик олиб келганлар, зиё тарқатганлар» деб мақталди, уларга ҳайкаллар қўйилди. «Хива деҳқонини Хива феодали қўлида эзилишини истамаймиз» деган доҳийни осмони фалакка етгунча мақтадик, танқиддан холи қилдик, натижада унинг номи «Хива деҳқони»нинг уйида муборак саналадиган бўлди. Шўринг қурғур деҳқон ҳеч нарса йўқотмади. Ленининг 55 томлик китобларига ва расмларига эга бўлди. Ҳеч кимга кераги йўқ орден-медаллар тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Бу нарсалар ҳарбийларга ярашади, халққа эса кераги йўқ. Ахир улар ош-нон бермайди-ку, тўғри, «Уроқ ва Болға» дегани бўларди, шунга эга бўлганларга имтиёз бор эди. Қолганлари одамларни лақиллатиш учун бериларди.

(Давоми 2-бетда).

Долзарб мавзу

СОВУҚ КУНЛАР ЭШИК ҚОҚМОҚДА

Маълумки, ўтган йилги якунларга кўра, жумҳуриятимизнинг кўпгина мактабларида қишга тайёргарлик ишлари ўлда-жўлда бўлиб қолганди. Натижада айрим вилоятлардаги ўқув даргоҳларида вақтинчалик бўлса-да ўқишлар тўхтаб қолганлиги хусусидаги хабарларнинг баъзи шов-шувларга сабаб бўлганлиги ҳам сир эмас.

Мана, орадан саратоннинг жазирама кунлари ўтиб, куз ҳам тугай деб, қиш қиличини қайраб келяпти. Хўш, жойлардаги аҳвол-чи? Мавсумга тайёргарлик ишлари қандай кечмоқда?

Мухбиримиз Бухоро вилояти Ғиждувон район халқ таълими бўлимининг мудири Эгам Садриддинович Олимов билан ана шу мавзуда суҳбатлашди.

— **Эгам Садриддинович, қиш мавсумига мактабларни тайёрлаш, аҳамият берган бўлсангиз, анъанага айланган тадбирдир. Нега шундай? Ахир педагогикага даҳлдор бўлган ҳар бир кишининг асосий вазифаси мактаб ишидан бўлак яна нима ҳам бўлиши мумкин?**

— Ростини айтганда, мактабнинг ички муаммолари ҳақида жар солишнинг ўзи анчагина одобсизлик ҳисобланади. Лекин на чора, биз шунга мажбурмиз. Демоқчиманки, даврнинг қийинлашуви, бозор иқтисодининг тобора чуқурлашиб бораётганлиги мактабларга ҳам ўз таъсирини сингдириб келяпти. Бугунга келиб жамоат ташкилотлари ҳам, колхоз ва совхозлар ҳам мактабдан юз ўгиришга, ўзини ўзи бошқаришга мажбур бўлмоқда. Таянчимиз бўлган оталиқ ташкилотларидан олаётган ёрдамимиз сусайиб, баъзан эса йўқолиб бормоқда.

Бисотида маҳсулоти кўп бўлган жамоа хўжаликлари беғараз ёрдамларини ҳар ҳолда аямасдирлар, аммо бу — денгиздан томчидай гап.

Аҳамият беринг, районимиздаги жами мактабларнинг сони 50 тага етди. Типовой мактаблар 30 та, мослаштирилгани 19 та, мактабдан ташқари муассасалар эса 6 тани ташкил этади. Ана шу мактабларнинг 22 таси табиий газ билан, суюқ ёқилғи билан эса 6 та, кўмирда иситиладиганларининг сони 21 тадан иборат.

— **Районингизда бошқа ҳудудларга нисбатан ҳам газлаштирилган, ҳам суюқ ёқилғи билан иситиладиган мактаблар талайгина кўринади. Албатта, фақат бу иситиш қурилмаларнинг барчаси тўлиқ ишлаётган бўлса.**

— Тўғри, сонига қараб эмас, сифатига баҳо бериш керак. Газлаштирилган мактабларимизда аҳвол анча яхши. Фақат бир мактабда иситиш қувурлари ишдан чиққан. У ҳам тузатилаяпти. Бироқ суюқ ёқилғи билан иситиладиган ҳамда кўмирда қиздириладиган мактабларимизда мушкулликлар бор. Масалан, суюқ ёқилғи билан қиздириладиган мактабларимиз учун мавсумда 180 тонна ёқилғи керак. Лекин бисотимиздаги бор-йўғи 80 тоннани ташкил этади. Кўмир масаласи ҳам кўнгилдагидек дейиш қийин. Шунга қарамасдан аввалдан чораларини кўриб қўйганмиз.

Ҳали таъкидлаганимдек, район ҳокимияти раҳбарияти, оталиқ ташкилотларимиз масалага жиддий киришиб, бизга ёрдам беришга ҳаракат қиляптилар.

— **Қишга жиддий тайёргарлик кўриш, мактабларда мунтазам дарс соатлари ўтишини таъминлаш фақат иситишни йўлга қўйиш билан амалга ошиб қолмаса керак. Шундай эмасми, Эгам Садриддинович?**

— Албатта-да! Биринчи галда мактабларни таъмирлаш ишларини қайтадан кўздан кечириб чиқдик. Қурилиш ва ширкат ташкилотларининг ҳамкорлигида айрим ишлар бажарилди. Бу жиҳатдан биз ҳеч иккиланмай қишки мавсумга тайёрмиз, дея оламиз.

— **Фикрингизни тушундим, лекин...**

— Мен нима демоқчи эканлигингизни англадим. Районингиздаги ўқувчи ва ўқитувчилар-чи демоқчисиз-да? Унда мана бу далилларни айтиб ўтганим афзалроқ. Мактаблардаги жами ўқитувчилар сони 3294 нафардан иборат. Уйлар газ билан иситиладигани 1928 нафар, кўмирда иситиладигани 1366 нафарни ташкил этади.

Имкониятлардан келиб чиқиб, 508 нафар мураббийга кўмир берилди. Қолганлари ҳам бирин-кетин таъминланмоқда. Энди ўқувчиларимиз масаласига келсак, кўп ишлар амалга оширилди-ку, бироқ анча муракабликлар ҳам бўлди. Масалан, қарамоғида ҳеч кими йўқ, кам даромадли оилаларнинг болаларини қишки кийим-бош билан таъминлаш. Улар 1240 нафарни ташкил этади.

— **Қиш мавсумига тайёргарлик жиҳатидан болалар боғчаларидаги аҳвол қай даражада?**

— Бисотимиздаги барча боғчаларни қайтадан таъмирлаб, ремонтдан чиқардик. Бу ерда ҳам ёқилғи масаласи ҳамон анчагина жиддий. Чунончи, Говжум қишлоқ шўросига қарашли «Нилуфар» боғчасига 30 тонна, Армечан қишлоқ шўросидаги «Булбулча» боғчаси, Қорахони қишлоқ шўросидаги «Навбаҳор» боғчасига 30 тонна кўмир етишмайди. Албатта, бу рақамни келтиришнинг ўзи ачинарли бир ҳол. Назаримда, уларни тезроқ мавсумга тайёрлашда қишлоқ шўроларидагилар ҳам қараб турмаслар, деб ўйлайман.

Хуллас, вақт ғанимат. Қиш эшик қоқиб келмоқда. Ҳали қиладиган ишларимиз талайгина. Айтайлик, ҳозирданоқ ўқувчиларни узлуксиз қиш ойларида ҳам бепул иссиқ овқат билан таъминлаш, ўқитувчиларимизни ҳар жиҳатдан эркин ишлашларига шароит яратиб бериш бугунги вазифаларимиздан биридир.

Тўғри, давр оғир, муаммолар ҳам етарлича. Лекин, менинг назаримда, келажакни ўйлаган ҳар бир инсон учун булар баҳона бўлмаслиги лозим.

— **Ташаккур, Эгам Садриддинович!**

МУШТАРИЙЛАР ДИҚҚАТИГА!

„Маърифат"

1993 ЙИЛ УЧУН ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

ОБУНА БАРЧА АЛОҚА БЎЛИМЛАРИДА, ИШ ВА ЎҚИШ ЖОЙЛАРИДА ЖАМОАТЧИ МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИЛАР ТОМОНИДАН ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ОБУНА БАҲОСИ: БИР ЙИЛГА — 264 СУМ, ЯРИМ ЙИЛГА — 132 СУМ.

ЎЗЛИГИНГ НАМОЁН ЭТ!..

[Боши 1-бетда].

Энди Ўзбекистон мустақил бўлган экан, ўзига яраша мукофотлари ҳам бўлиши керак. Яқинда ўқиб қолдим: К. Ворошилов Ўзбекистоннинг Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган экан. Демак, Ўзбекистонда ҳам орден бўлган экан. «Известия ЦК КПСС» деган журналнинг 1991 йил 1—2-сонларида КПСС МК 1953 й. июнь Пленумининг стенографик ҳисоботи эълон қилинди. Тасодифан У. Юсуповнинг Л. Берияни «у Ўзбекистонда А. Навоий номидаги орден таъсис қилинсин» деган таклиф берди» деб айблаганини ўқиб қолдим. Сталиннинг жаллоди бўлмиш Берияни оқлаш фикридан йироқман, лекин нима учун бу таклиф биздан эмас, балки Бериядан чиқди деб ҳамон ўйимга ўйлаб етолмайман. Бу масалага ўша пайтда танқидий қаралган экан, энди ижобий ҳал этиш пайти келди.

Тошкентда СССР халқлари дўстлиги номи билан аталадиган майдон, сарой, музей бор. Саройга халқимиз аллақачон ном бериб қўйган, уни фақат расмийлаштириш қолди. Қурилишга бош-қош бўлган Шароф ака (раҳматлини ҳамма фахрланиб шундай аташарди)нинг руҳларини шод қилиб метрога у кишининг муборак номларини кечиктирмай беришимиз қувончлидир. Раҳбар ўзи қурдирган бинолар, яхшиликлар орқали мангу қолади. Бунга Темур бобомиз мисолдир.

Тошкент кўчаларида «Ярим Ой» расми туширилган машиналарни онда-сонда кўриб қоламан, хурсанд бўлганимдан тезроқ «тез ёрдам» машиналаридаги «Қизил Крест» ўрнини ўзимизнинг «Ярим Ой» эгаллаши керак деган фикр хаёлимда чарх уради.

Ҳозир газеталар 2—3 кунда, журналлар сони эса икки ойда чиқмоқда, лекин ҳамон рўзнома (яъни кунлик), ойнома деб аталмоқда. Наҳотки халқимиз ўрганган газет, журнал деган номларни (русчадан форсчага айлантирмай) келтириш мумкин бўлмаса? Кулгили аҳвол: қоғоз камайган сари кундалик ҳеч кимга кераги йўқ нашрлар кўпаймоқда. Фақат қассоблар газетсиз қолишди.

Бир куни бир қассоб билан гаплашиб шу фикримни айтсам, кулди-да, киоскадаги ўтмай қолган газетлар ҳаммаси бизники, — деди. Шунинг учун муҳаррирларга маслаҳатим: сизларга суяк қўшиб берадиган қассоблардан ўч оламан, десангиз, газеталарингиз саҳифаларини ўқимишли қилиб чиқазинг. Бўлмаса ҳамма газеталар яқин орада қассоблар нашрига айланиб қолади.

Қўлимга қалам олишимга шоир Жамол Камолнинг 70-йилларда ёзган қуйидаги сатрлари сабаб бўлди десам, янглишмаган бўламан. Хаёлимда фикрлар кезиб юрарди-ю, аммо уларни бир жойга жамлаш қийин кечарди. Шоир ёзади:

Душман қаҳримизга
бериб тасалло,
Бир кун емрилар
бизнинг қиличдан.
Ношудлик — офатдур,
ношудлик — бало,
У очкўз қурт каби
емирар ичдан.

Ҳа, «душман»дан озод бўлганимизга мана бугун бир йил бўлди. Аммо озод бўлдиг-у, у 74 йилда қолдириб кетган бир касаллик — ношудликдан қутула олмаяпмиз. Ҳанузгача кўча-кўйда «Брежнев даври яхши эди», «У замонлар ҳақиқий коммунизм эди» деган гаплар эшитилмоқда. Агар шу гаплар яна такрорланадиган бўлса, биз ҳануз мустақил эмасмиз, деб ўйлаб қоламан. Наҳотки, манқуртга айланган бўлсак. Ахир биз буюк халқмиз-ку. Боболаримиз каби яшашимиз керак. Ахир улар шу мустақиллигимиз учун жон бериб, Ватан озодлиги учун курашган-лар-ку. Шу ўринда яна Ж. Камол ижодига мурожаат қиламан:

Сенинг боболаринг
бўлмаган ношуд,
Гумбурлаб яшаган,
минғирлаб эмас.

Мен шуларни ўйлар эканман, халқимизда айб йўқлигини, буларнинг ҳаммаси «большавой»ларнинг халқни қўрқув остида «коммунизм»га етаклагани деб биламан.

Халқимиз қўрқув остида сақланди. Шу сабаб бўлса керак, 1991 йил 31 август куни Ўзбекистон Мустақиллиги эълон қилинганда, депутатларимиз қарсак чалишга ҳам ботинмадилар. Қарсакни Президент бошлаб берди, ҳатто Олий Совет Раиси Шавкат Йўлдошев «мустақиллик эълон қилишимизнинг нимага зарурлигини 1—2 кун ўтиб тушунасизлар» деган гапларни куйиниб гапирдилар. Ахир 26 августдан бошлаб И. Каримов фармонига асосан Ўзбекистон Давлат Мустақиллиги лойиҳасини тайёрлаш ишлари бошланганлиги тўғрисидаги хабар эълон қилинган эди-ку! Мен истиқлол шунчалик ширинлигини шу бир йилда аниқ ҳис қилдим. Шу даврдаги ўзгаришларни 74 йилга тенглаштирса арзийди. 74 йилда қилинмаган ишлар шу бир йилда қилинди. Дунёга Ўзбекистон деган юрт борлиги маълум бўлди. Бунга мисол қилиб АҚШ Президенти Ж. Бушнинг И. Каримовга йўллаган табригини келтирса бўлади. «Республикангиз мустақилликнинг ИЛК йилини нишонлаётган пайтда ЖАҲОН аҳли минтақангизнинг ҚАДИМИЙ ва БОЙ ТАРИХИНИ яхши билиб олди ва унга ЧУҚУР ЭҲТИРОМ билан қарамоқда» деган сўзлар қалбимга қувонч бағишлади. Ахир дунёнинг энг кучли давлатининг раҳбари оддий сўзлар билан табрикласа бўларканку. Мен буни Ўзбекистоннинг, қолаверса, Ислом Каримовнинг дунё миқёсидаги обрўси деб биламан. Балки, И. Каримов сиёсатидан норозилар, «минғирлаб» яшаётганлар ҳам бордир. Агар шундай ношудлар бўладиган бўлса, мен уларга бошқа давлатларда яшаётган халқлар кўзи билан бир бор Ўзбекистонга назар солишларини сўрардим. Менинг она-юртим бўлган Чимкентда ҳамма — хоҳ ўзбек, хоҳ қозоқ бўлсин — Ўзбекистонга ҳурмат билан қарайди. Бунга ҳар гал борганимда амин бўламан.

Менга бир нарса — яъни сув келтирганларни хор қилиб, кўза синдирганларни азиз қилиш ёқмайди. Наҳотки ҳукуматни танқид қилиш билан обрў топиш бир мансаб бўлса? Кўп гапиргандан кўра амалий иш қилинса, халқимизга фойда келтиради. Мисол учун, Гаврил Попов деган бир «демократ» бор эди, у бир пайтлар кўп гапириб обрў олди ва Москва шаҳрига ҳоким этиб сайланди. Натижаси бугунги кунда ҳаммага маълум. Демак, гап билан ақл ўргатиш бошқа экан-у, амалий ишда ўзини кўрсатиш бошқа экан. Мен ҳозирги ҳаётни кўриб, хулоса чиқариб бир фикрга келдим ва халқимизни ҳам босиқликка, чидамлиликка чақираман. Биз буюк халқ эканлигимизни унутишимиз керакмас. Бундан 500 йил аввал Испания қиролининг элчиси Рюи Гонзалес де Клавиха «Самарқанддаги Амир Темур саройига саёҳат кундалиги»да ёзади: «Бу халқ билан шоҳ (Амир Темур — Ш. Т.) кўплаб улуғвор жасоратлар кўрсатди, кўплаб ғалабалар қозонди. Бу меҳнатсевар, моҳир чавандоз, камондан отувчи мерган, умуман, урушда сабот-матонатли халқ. У борига қаноат қилиб, нонсиз сут ва гўшт билан ҳам кун кечираверадиган, гўштли ва гўштсиз овқат билан ҳам тирикчилик ўтказишга жуда ўрганган халқ. Иссиқ ва совуққа, очлик ва ташналикка жаҳондаги ҳар қандай элдан кўра саботли ва чидамли халқ. Борида гўштни ҳаддан ошиқ истеъмол қилади, йўғида сувга қатиқ қўшиб, қайнатиб ичиш билан кифояланади» («Санъат» журнали, 1990 йил № 5).

Мен, «сувга қатиқ қўшиб» ичишни тарғиб қилмоқчи эмасман. Худога шукрлар бўлсин, бунга кунимиз қолмайди. Ҳукумат қўлдан келгунча фаровонлик учун ҳаракат қилмоқда. Бу оғир кунлар ҳам (лекин оғирмикан?) ўтиб кетар. Ахир СССРнинг иқтисодий занжирларини бирданига узиб ташлаш осон иш эмас-ку. Нарвоннинг юқори поғонасига ҳам, бирданига эмас, аста-секин чиқилади. Ишқилиб юртимизда тинчлик бўлсин. Тинчлик бўлса, ҳамма нарса топилади. Бир кун жанжал бўлган уйда қирқ кун барака бўлмайди. Америкача демократияга бизга анча бор, бунга халқимизни асталик билан тайёрлаш керак. АҚШ ҳам ҳозирги давлат тузумини бир йилда эмас, балки йиллар мобайнида вужудга келтирган.

Халқаро қонунларга асосан ҳар бир давлат ўз давлат қурилишини ўзи белгилайди. Шу сабабли Ўзбекистон ўз йўлини топган экан, шу йўлдан олға қадамлар босишига оқ йўл тилашимиз керак. Ҳозир давлатимиз олиб бораётган сиёсатга бефарқ қарашимиз керак эмас. Шоир айтганидек:

Мағлубсан, гар бўлсанг
ўзингга мағлуб,
Яна мағлубдурсан
бошқа бировга.

Бошқа бировга 130 йил мағлуб бўлганимиз етар. Энди ўзимизга мағрур бўлишимиз, ўзбек халқи нималарга қодир эканлигини дунёга кўрсатишимиз керак.

Шарофиддин Бакир ўғли ТЎЛАГАНОВ,
Тошкент давлат 2-тиббиёт институти тарих ўқитувчиси.

Халқ таълими фидойилари

ЯХШИЯМКИ ЭГАМБЕРДИЛАР БОР

Бекобод районидаги 40-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Эгамберди Юсубалиев билан яқиндан таниш бўлмасам-да, орқаворотдан эшитган, хизмат тақозоси билан бир-икки бор учрашган эдим. Одамларнинг бу ўқитувчи ҳақидаги фикрлари мени Алишер Навоий номидаги жамоа хўжалигида жойлашган мактабга чорлади.

Эгамберди билан суҳбатлашар эканмиз, унинг ички оламми билан қизиқдик. Узи тўғрисидаги биз берган саволлар уни анча ўнғайсиз ҳолга солган бўлса-да, ишига фидойилиги фикрларида яққол намоён бўлди.

— Ота-оналаримизда бола тарбияси ҳақида тасаввур ниҳоятда кам, — дейди муаллим. — Улардан нима учун яшяпсиз, деб сўрасангиз, албатта, болам учун, деб жавоб беради. Хўш, болангиз учун нима қилайтирсиз, деб сўрасангиз, «бировдан кам едирмаяпман, бировдан кам кийдирмаяпман, ўзим емасам, киймасам ҳам, боламни кийдираётирман, унга едираяпман» дея сўзни ўзининг меҳрибонлигидан бошлайди. Бошқаларни қўя турайлик, ўқитувчиларнинг ўзи ҳам таълим-тарбия «қозони»да бўлса-да, ўз боласининг тарбиясига кам эътибор беришади.

...Болага ота-она бошқача, мактаб бошқача, жамият бошқача қарайди. Ота-она аттестат олишни хаёл қилса, мактаб таълим-тарбия беришни, жамият мутахассис етиштиришни ўйлайди. Бундай қараганда, мақсадларнинг ўзида муштараклик бор, дейсиз, аммо жиддийроқ фикр қилсангиз, муштаракликдан кўра зиддият кўпга ўхшайди. Мактаб, оила, жамият ўртасида биз билмаган деворлар бор. Дейлик, ўзига тўқ оиланинг эрка боласи мактабда камбағал оиладан чиққан боланинг кўз олдида шоколадни мақтаниб ейди. Оиладаги муҳит билан мактаб муҳити бир эмаслигини кўраётирсизми. Мактабдан нарёкдаги жиноят, ўғрилик, порахўрлик эса мактабдаги ўша кичик даҳшатли воқеанинг катталашгани...

Матбуотда ўқиб қолдим. Халқ таълими вазирлиги 1991 йилда 10 минг ўқитувчининг фаолиятини ўрганиб чиқибди. Шундан 1800 ўқитувчи ҳеч нарса бермабди. 4800 ўқитувчи дарсни паст савияда ўтган, 2300 ўқитувчиники қониқарли бўлган. Атиги 1000 ўқитувчидан вазирлик мамнун бўлибди. Энди ўйлаб кўринг, ўқитиш шундай бўлгач, қўлга киритилган мустақилликни қандай қилиб мустаҳкамлаш мумкин, қандай қилиб Ватанни энг илғор давлатга айлантириш мумкин?

Мактаблардаги таълим-тарбияни такомиллаштиришни кўрайлик. Директор хўжалик ишлари, мактаб таъмири, қурилиш, буфет, ошхона ва унинг таъминоти масалалари, фойдали ва фойдасиз мажлислар, хўжалик раҳбари, мудир, ҳокимият раҳбарлари топшириғини бажариш билан банд. У асаблари ишдан чиқандан кейин асосий ишни қилишга ўтади. Илмий бўлим мудири таълим жараёнининг бир қолипга солинган ўқув режасини амалга ошириш билан овора. Дарс ишқилиб ўтилаётирми, болалар бўш эмасми, дарс жадвали ўқитувчиларнинг хоҳишига қараб тузилганми, улар яна бир кун методик кун деб белгиланганидан хурсанд эканлигини ўрнига қўйса, бас.

Тарбиячи эса йил давомида беш-олтита тадбирни ўтказиб олиб папкасига жойлаб, мен ишлаётирман, деб фахрланади. Кўраётирсизки, маъмуриятнинг ўзида ҳам кўзга кўринмас зиддиятлар мавжуд. Маълумки, ҳар бир мактабда иқтидорли болалар бор, равшанки, улар ҳамма фанлардан яхши ўзлаштиради. Ҳамма фан ўқитувчилари ўз иш фаолиятида ўша ўқувчилардан фойдаланадилар. Адабиёт фанидан олимпиадага қатнашган ўқувчи эртага ноҳиядаги ашула байрамига кетади, бўшаса, мактаб жамоа ишларига жалб этилади. Натижада ўқитувчилар ўртасида ҳам зиддиятлар пайдо бўла бошлайдики, бу зиддиятлар кўпинча яхшиликка олиб бормайди.

Эллигинчи йилларда умумтаълим мактабларида ҳафталик дарс 287 соат эди, ҳозир 371 соатни ташкил этибди. Таълимга ажратилган соатлар сони кўпайиб боргани сари билим олиш сусаётганини қаранг! Болалар боғчадаёқ билим олишдан безишгандан кейин биринчи синфга кетаётир. Мактабдаги олти-етти соатлик таълимни биз шундай ташкил этамизки, ихтиёрийликдан асар ҳам йўқ. Ўқувчиларнинг пешонасига «Демакки, сен шу синф ўқувчиси экансан, хоҳласанг-хоҳламасанг дарсда миқ этмай ўтиришинг, ўқитувчи нима айтса билишинг, вазифани сўзсиз бажаришинг, танаффус бўлгандагина ташқарига чиқишинг керак» деган гап ёзилгандай.

Назаримда, Халқ таълими тизимида асосий куч хотин-қизлардан иборат бўлиб қолаётгандай. Бунинг оқибатида, қаранг-ки, болаларда мардлик, жасурлик, ирода қатъияти йўқолиб бораётир. Аёлларимиз мени маъзур тутсинлар, энг замонавий, илғор адабиёт муаллимаси ҳам Фарҳоднинг фарҳодона ғаврасини, Мажнуннинг ишқдаги шиддатини, минг чирансин, барибир ўртамиёна эркак адабиёт муаллими каби ўқувчига етказа олмайди.

Буларнинг ҳаммаси адабиёт муаллими зиммасига улкан вазифаларни юклайди. Бу вазифаларнинг кўлами шу қадар кенгки, унча-мунча ўқитувчини ҳам шошириб, тинкамадорини қуритиб қўяди. Иштиёқ билан ўзингга кўп йиллик режалар тузиб, энди ишга киришганингда, юқоридан қандайдир ўзгаришлар юз беради...

Эгамбердини тинглар экансиз, беихтиёр ўйлаб кетасиз. Яхшиям ҳар бир қишлоқда, жамоада Эгамберди сингари ўзининг фидойилиги билан элни меҳнатга, яхшиликка чорлаётган, кучи етганча миллатга, юртга нафи тегаётган кишилар бор. Яхшиям дунёда адолат, ҳақиқат ўлмаган, ана шу ҳақиқат ва адолатни барқарор қилиб турган, шу йилда умрини, ҳатто жонини ҳам бахшида қилган инсонлар бор. Яхшиям меҳру оқибат бор. 30-йиллар қатағони, уруш йиллари, 50-йиллар даҳшатидан одамларни меҳру оқибат асрамадими?! Ҳозир-чи, турли ғоялар кураши, оппозициялар одамларни бир-биридан ажратмоқда. Меҳр-оқибат йўқолиб кетаётгандай. Бироқ Эгамберди Юсубалиев сингари фидойиларни кўриб, кўнгил таскин топади.

Малик ЭГАМОВ,
Бекобод педагогика билим юрти ўқитувчиси.

Мулоҳаза

НИМА ЭКСАНГ, ШУНИ ЎРАСАН

Инсон боласининг етти йиллик ҳаётини алоҳида бир дунё дейиш мумкин. Тарбия жараёни, айниқса, етти ёшгача бўлган болалар тарбияси ниҳоятда мураккабдир. Маълумки, мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама камол топтиришда жисмоний, ақлий, ахлоқий, меҳнат ва эстетик тарбия муҳим ўрин тутади.

Илмий-педагогик адабиётларда «эстетик тарбия» тушунчаси билан бирга «бадиий тарбия» ҳақида ҳам гап боради, яъни болаларни санъат турлари — бадиий адабиёт, мусиқа, тасвирий санъат, кино, театр ва бошқаларга мансуб асарлар воситаси билан тарбиялаш назарда тутилади.

Боғчада бола оқилона ҳаракат қилишни, теварак-атрофни мустақил кузатишни, катталар юмушига қарашишни, равон сўзлашни, фикр юритишни ўрганади. Унинг нутқи тараққиётида, ақлий ва ахлоқий ривожланишида, гўзалликни ҳис қила олишида боғчада таништириладиган бадиий асарлар жуда катта ўрин тутади.

Мактаблар учун таълим-тарбиянинг миллий усуллари асосида дастурлар яратилаётган бир пайтда болалар боғчалари учун ҳам янги, миллий таълим-тарбияга асосланган дастурлар яратиш вақти келди. Шу вақтгача боғчалардаги машғулотларга, айниқса, «бадиий адабиёт»дан тавсия этилган асрларга назар ташласак, ишлар мутлақо қониқарсиз эканлигининг гувоҳи бўламиз. Негаки, уларда ўзбек адабиётига, маданиятига, фольклорига жуда кам эътибор берилган. Ваҳоланки, болаларни миллий урф-одатлар, анъаналар руҳида тарбиялаш, авлод-аждодларидан фахрланиш, яъни миллий ифтихор туйғусини таркиб топтиришни мактабгача ёшдаги болалардан бошлаш кераклиги ҳеч кимга сир эмас.

Маълумки, шу пайтгача фарзандларимизнинг қулоғи ўзга халқ адабиёти намуналари воситасида очиб келинган. «Йўқдан кўра бор» дегандек, миллий адабиётдан ҳам битта-яримта асарлар рўйхатга тиркаб қўйилган.

Таълим-тарбиянинг бу принципга асосланиши боғча ёшидаги болаларда ўзининг салбий натижаларини кўрсатмаслиги мумкин эмас. Ҳалқимизда «жўжани кузда сана» деган гап бор. Мактаб ёшидаги, айниқса, ўспиринлик давридаги йигит-қизларимизда бу қусур кўзга яққол ташланади. Жисмоний жиҳатдан ҳам, ақлий жиҳатдан ҳам шаклланиб қолган бола ўтмиш адабиётини, миллий санъат ва маданиятни яхши билмайди ва қизиқмайди ҳам. Ўзбек классик ёзувчиларининг асарларини эса етарли даражада тушунмайди, бахшининг достони, хонанданинг овози уни зериктиради...

Бунинг учун ўсмирни айблаш мумкинми? Шу пайтгача миллий руҳда тарбиялашга мутлақо аҳамият берилмагани ҳолда, эндиликда ўсмирни миллий маданиятимизни ҳис этмаётганлиги учун айблашга маънавий ҳаққимиз борми?

Хуллас, «Мактабгача ёшдаги болалар учун таълим-тарбия дастури»ни фақатгина маҳаллий шарт-шароитга мослаштириб эмас, балки миллий анъаналар, тарих, маданият, санъат нуқтаи назаридан тубдан қайта ишлаш лозим.

Замира ИБРОҲИМОВА,
Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт институтининг илмий ходими, филология фанлари номзоди.

ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

— Яқинда райондаги бир қатор мактабларда ўқувчиларни овқатлантиришни ташкил этишнинг аҳволини текширдик, — деб ҳикоя қилади республика Президенти ҳузуридаги давлат назорати инспекциясининг Конимех районидаги давлат назоратчиси Избосар Сарсенбоев. — Афсуслананарли томони шундаки, текшириш давомида тегишли идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари, мактабларнинг директорлари бу масалага масъулиятсизлик билан қараганликлари аниқланди.

Республика Президентининг фармонига асосан 1—5-синф ўқувчиларига текин нонушта берилади. Бироқ таомномада кўрсатилган нонушта белгиланган баҳога етмаган. Ошхоналарда таомларнинг турлари жуда оз.

7-мактабда музлатгичлар ишламаслиги озиқ-овқат маҳсулотларини сақлашга қийинчилик туғдирмоқда. Мактаб ошхоналарида лозим бўлган озиқ-овқатларнинг камлиги ҳам нохуш кайфият уйғотади. Озиқ-овқат маҳсулотларини тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштириш ҳам назардан четда қолган.

Текшириш якуни бўйича мактабларнинг директорларига ўқувчиларни овқатлантиришни яхшилаш тадбирларини белгилаш, ҳисоб ишларини ҳужжатларни тўғри юритишни назорат этиш вазифаси юклатилди. Шу билан бир қаторда ўқувчиларни овқатлантиришда йўл қўйган камчилиги учун тегишли кишилардан пул жарималарини ундиришга қарор қилинди.

А. РАҲМОНОВ,
Журналистлар уюшмаси аъзоси.

Бир соатлик дарс

СОҚОВ ҲАМ ТИЛГА КИРАДИ

Мустақил жумҳуриятимизнинг келажак равнақи, унинг истиқлоли ва ҳар томонлама юксалиши бевосита ташқи алоқаларни мустаҳкамлаш, тажрибалар алмашиб, ўзимизда ҳам қўллашга боғлиқдир. Бунинг учун эса ёшларимизга хорижий тилларни ўргатиш, бу тилдан сабоқ бераётган мутахассислар масъуллигини оширишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Мақсадлар муштараклигини шу йилдан бошлаб чет элларда сабоқ олиш учун юборилаётган талабаларимиздан ҳам билса бўлади.

Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ районидаги 83-ўрта мактабнинг немис тили ўқитувчиси Руяб Ҳасанова ҳам узоқ йиллик иш тажрибаларидан келиб чиқиб, ёшларга чет тилини ўргатишда турли услублардан фойдаланиб келмоқда. Узоқ йиллик тажрибаларнинг самараси эса зое кетмаяпти. Сўнгги йилларда немис тилидан ўтказилаётган вилоят, район ва республика миқёсидаги мусобақаларда ундан сабоқ олган ўқувчилар юқори кўрсаткичларга эришиб келмоқда.

Руяб опанинг дарс ўтиш услуби самарали, ўқувчилар диққатини жалб этиб, шу фанга қизиқтирадиган даражада. Маълумки, ҳозирги вақтда таълим жараёнини кўргазмали қуролларсиз тасаввур этиш қийин. Шунинг учун ҳам ўз ишига моҳир, масъулиятли ҳис этувчи ҳар бир ўқитувчи дарсларда кўргазмали қуроллардан фойдаланишга ҳаракат қилади.

— Кўргазмали қуроллар ҳам таълимий, ҳам тарбиявий аҳамиятга эга, — дейди Руяб опа. — Кўргазмали материаллардан мақсадга мувофиқ тўғри фойдаланилган тақдирдагина ўқувчиларда ўргатилаётган нарса ва ҳодисалар тўғрисида аниқ тасаввур ҳосил бўлиши мумкин. Буюк мутафаккирлардан бири айтганидек, «Агар дарсга сурат олиб кирсанг, соқов ҳам тилга киради»...

Тажрибали педагог ишни кабинетни безашдан бошлайди. Фанга оид, ўрганилаётган тилга дахлдор давлатнинг жуғрофик картаси, шаҳарларнинг номи, табиий иқлимини англатувчи кўргазмалар, лингафон, чет тилида ижро этиладиган қўшиқлар ва, шунингдек, 4200 донага яқин кўргазмали материаллардан иборат синф хонасини мавжуд этди.

Муаллиманинг 6-синфда «Космонавтлар» темасига оид, дарсига аҳамият бераиллик. Дарс бошланишида магнитофон орқали космонавтикага дахлдор матн эшиттирилди. Доскага космик кеманинг ўқувчилар томонидан чизилган сурати илинган. Ўқитувчи дарс ўтиш давомида ўқувчилар иштирокидан ҳам кенг фойдаланди. Айтайлик, космосга «парвоз этган» ўқувчи ердаги иккинчи ўқувчи билан алоқа ўрнатиб, коинотдан хабарлар берди, ўз навбатида ердан янги маълумотлар олди.

Ўйин услуби билан билимларни шакллантиришда Руяб опанинг тажрибаси анча қўл келмоқда. Масалан, дарсда кубиксимон кўргазмалардан фойдаланиш. Кубикнинг ҳамма томонига янги сўзлар ёзилган. Исталган ўқувчи доскага чиқарилади-да, у кубикни ихтиёрий равишда ташлайди. Қайси сўз кубикнинг устки қисмига тўғри келса, шу сўздан гап тузиш, таржимасини айтиш, феълларни туслаш, қўшимчалар қўшиш ва саволлар тузиш каби машқлар бажарилади. Мана шу усул билан ўқувчиларнинг фикрлаш ва ҳозиржавоблик қобилиятини ривожлантиришга эришилмоқда.

Қирқ беш дақиқали дарсни йирик бир асарга қиёслашади. Чунончи, ўқувчининг келажакда қай даражада саводхон бўлиши ҳам кўпроқ мана шу қирқ беш дақиқага, энг муҳими, шу дақиқаларни ижро этувчи санъаткорга кўп нарса боғлиқ.

Руяб Ҳасанова дарсда фақат сўраш ёки юқорида қайд этилган усуллар билан чегараланиб қолмасдан, ўқувчиларни дарсга жалб этишда яна кўплаб йўлларни қидиради, изланади, ўқийди. Дарс ўтиш жараёнида, энг муҳими, ўқувчиларнинг кайфиятини кўтариш, китоблардаги текстлар билан чегараланмасдан, эркин темалардан фойдаланиш, машғулот давомида дарсга оид қисқаметражли фильмлар билан ўқувчини таништириб боришга ҳам алоҳида аҳамият беради.

Руяб Ҳасанова, йигирма икки йилдирки, чет тилини ўқитишда райондагина эмас, вилоятда ҳам тажрибали ўқитувчилардан саналади. Ўтган йиллар давомида ўқувчилари орасидан ўнлаб шогирдлар етиштирди.

— Касбим билан фахрланаман, — дейди опа. — Янги шароит, янги давр биз ўқитувчилар олдида ҳам жумҳуриятимизнинг келажагини мустаҳкамлашда ўз улушимизни қўшишимизга даъват этмоқда. Менинг асосий мақсадим — ўқувчиларимиз фақат китобда берилаётган темалар билан чегараланиб қолмасдан, чет эллардаги сингари ҳаётий тажрибалар билан ҳам боғланиб боришса, бошқаларнинг тилини, урф-одатини, маданиятини чуқурроқ ўрганишса...

И. ҲУСАНОВ,
А. Авлоний номидаги республика халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти методисти.

Қадриятларимиз

ҚЎШ ОТА-ОНАЛИК УРФИ

Бугунги зиддиятли даврда ёш оилаларнинг ажралишаётгани ҳамда бунинг оқибатида етимлар сони кўпаётганини кўриб хафа бўлиб кетасиз. Агар биз ўтмишдаги урф-одатларга эътибор берадиган бўлсак, оилани ажратиш фожиа ҳисобланганлигини эслатиш кифоя...

Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларига қарашли кўпгина қишлоқларда эскидан кўпгина урф-одатлар сақланиб қолган. Шулардан бири қўш ота-оналиқдир. Бир эшитганда одамга эриш туюладиган бу одатнинг қонунсиз-қонуннилигини, бир қарашда эса унинг ёшларга берадиган тарбиявий фойдаси борлигини кўриб ажабланасиз. Эътибор беринг! Ёш келин-куёв оила қурмоқчи. Бунда улар ҳаётда ўз ўрнини топиб олган, қолаверса, ибрат олса арзийдиган оилага нигоҳларини қаратишлари лозим. Ҳавас қилса арзийдиган оила бошқарувчиларини бўлажак ёш оила «ота-она» сифатида танлайди ва ўз фикрларини вояга етказган ота-оналарига маслаҳат тариқасида айтади.

Бўлажак келин-куёв танлаган «ота-она», албатта, катта масъулият ҳис қилади. Улар ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишида, келажаги порлоқ бўлишида ёрдам бериши лозим. Бу танланган кишилар тўй арафасида кексалар, қариндошлар олдида «ота-она» деб эълон қилинади.

Яқин қариндошлар бу кишиларни тўй билан, фарзандлик бўлишгани билан қутлайдилар. Шу кундан бошлаб янги «ота-она» бир умрлик ота-онага айланадилар. Улар ёш келин-куёвни ҳаёт қийинчиликлари олдида қийналмасликлари учун йўл-йўриқ кўрсатиб кузатиб борадилар. Бу одатнинг қизиқарли томони шундаки, янги «ота-она» келин-куёвнинг қариндошларидан, яқинларидан бири бўлиши шарт эмас. Агар бўлажак келин-куёв хоҳлашса, ўз синфдош ўртоғини ва унинг хотинини ёки мутлақо нотаниш оилани ҳам «ота-она» ўрнида танлаши ва кўрсатиши мумкин.

Жарқинов Дилмурод ва унинг умр йўлдоши синфдошим бўлишларига қарамай, мен ва рафиқамни «ота-она» ўрнида билишади. Чунки бизлар бажарилиши лозим бўлган барча қонунсиз қоидаларни бажарганмиз. Ўз ўрнида бунга эл ва ота-оналаримиз ҳам розилик билдиришган.

Қадимдан давом этиб келаётган ушбу одатнинг тарбиявий аҳамияти ниҳоятда катта бўлиб, кишиларни иноқликка, тотувликка олиб борувчи йўлдир.

Ғафур ЭШМОНОВ,
Тошкент педиатрия институти ўзбек тили кафедраси ўқитувчиси.

ҚИЗИҚАРЛИ КЕЧА

Самарқанд вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти соғломлаштириш марказида таниқли давлат ва жамоат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига бағишлаб адабий кеча ўтказилди. Кечада адибнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида филология фанлари номзоди, илмгоҳнинг она тили ва адабиёт кабинети мудири П. Сафаров маъруза қилди. Таниқли олим Р. Муқумов, тарихчи Т. Акрамовлар Ш. Рашидов ҳақидаги ўз хотираларини сўзлаб бердилар.

Кечанинг бадиий қисмида Пастдарғом ноҳиясидаги 8-мактаб кутубхоначиси Ш. Жалолова, Булунғур ноҳиясидаги 1-мактабнинг математика ўқитувчиси Г. Ҳамдамовалар фаол қатнашдилар.

И. АБДИЕВ.

• СЎЗ ИЛМИНИНГ САРДОРЛАРИ

НАВОИЙ ДАҲОСИДАН НУР ЭМГАН ОЛИМ

Самарқанднинг муҳташам Регистон майдони тумонат одам билан гавжум. Ҳамма ўз ташвишлари билан банд... Фақат Чорсу савдо растасининг ташқи қиёфасида сокинлик ҳукмрон. У «Шердор» мадрасасининг ложувард деворларига нималарнидиф ўқтираётгандай... Инсон кафти чизиқлари мисол турли томонларга бошловчи йўллар Регистонга келиб бирлашади. Гўё ягона оқим — бош йўл вужудга келади. Мўйсафид тарихнинг шоҳиди — бу йўллардан не-не закийлар ўтишмаган, дейсиз?! Ҳа, уларда Амир Темур, буюк алломалар — Улуғбек Мирзо, Қозизода Румий, Али Қушчи, Аълойи Шоший, Фазлуллоҳ Абдуллайсий, Абдураҳмон Жомий, Хожа Аҳрори Валий, Алишер Навоий, Шайхим Суҳайлий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари минглаб улуғ инсонларнинг муборак қадамлари муҳрланган.

Ер юзининг сайқали — нуроний ва навқирон Самарқанднинг қумуш сийнаси гул ғунчасини эслатади. Очганинг сари сирлар хазинаси қалашиб келади. Тарих даракчиси — Регистонга уланадиган шарқона расталар, йўлаклар бағрида ҳам буюк аждодларимизнинг табаррук ҳоки пойи қолган. Гавжум Самарқанд Регистонининг мағрибида мўъжазгина томошахона жойлашган. У ҳазрат Алишер Навоий номи билан юритилади. Томошахонадан шимолий-ғарбга қараб юрилса, қадимий Самарқанднинг Алишер Навоий юрган расталари бошланади.

...Шилдираб сув оқаётган ариқ ёқалаб ётқизилган равон йўлдан баланд қоматли, озгинроқ, ўйчан, нигоҳлари дилкаш ва самимий бир киши эҳтиётлик билан юриб келмоқда. Унинг кийиниши оддий. Ортиқча салобатдан холи. Ҳамиша чуқур хаёл оғушида юрадиган бу инсон ҳозир нималар ҳақида ўйлаётган экан?! Кўп сонли шогирдларига Алишер Навоий ҳақида айтадиган сабоқ хусусидами? Эҳтимол, у улуғ ўзбек шоири ижодиётига доир номзодлик рисоласига нуқта қўйган навбатдаги шогирди тақдирини ўйлаётгандир. Вилоят, дорилфунун, кафедра, умуман, маданий-адабий ҳаётга доир ташвишлар камми?! Кичкина бўлса-да, катта гапи бор бўлган илмий мақола ёзиб, уни талабчан ўқувчилар имтиҳонидан ўтказишнинг ўзи бўладими? Нашрга ҳозирланиши лозим матнлар, янги мақола ва рисолалар, тақриз ва дарслар, суҳбат ва нутқлар... Буларнинг барчаси фикрлашни, хаёл суриш, ўйлашни тақозо этади. Ҳар бир ижодкор, олим ва санъаткорнинг изланишлари занжирида бош ҳалқа бўлади. Ана ўша халқа унинг хаёлини ҳамиша ўзига тортиб туради. Муҳташам Самарқанднинг Набираҳўжа Валихўжаев номидаги кўчада истиқомат қиладиган бу донишманд инсоннинг илмий фаолиятидаги марказий нуқта эса Алишер Навоий ижодиёти масалаларидир. У айни кунларда алломанинг беш ярим асрлик тўйи ташвишлари билан банд. Самарқандда бунёд этиладиган Алишер Навоийнинг уй-музейи, улуғ ўзбек шоири қадамжоларига қўйиладиган ёдгорлик лавҳалари, илмий анжуманларда айтиладиган гаплар, тўёна мақолалар... Буларни бекаму кўст уддалаш ҳам фарз, ҳам қарз. Ҳазрати Алишер Навоийнинг ҳамиша барҳаёт руҳи олдидаги бурчдорлик олимдан шуни кутади. Яна устод Воҳид Абдуллаевнинг сафда йўқлигини билдирмаслик масъулияти ҳам унинг елкасида.

1979 йилда таниқли олим Алибек Рустамовнинг «Навоийнинг бадиий маҳорати» номли салмоқли асари босилиб чиқди. У ўз касбдошига китобини дастхат билан тақдим қиларкан, «Олимларнинг ботири — Ботирхонга» деб ёзган эди. Ўринли эътироф. Ботирхон Валихўжаев ўзининг ибратли инсоний қиёфаси, теран тафаккури, чуқур илмий тадқиқотлари билан обрў қозонди. Олтмиш ёш бўсағасида турган олимни нафақат жумҳуриятимизда, балки унинг сарҳадларидан олисларда ҳам эътироф этишади. Афғонистонда ўзбек тилида чиқадиган «Юлдуз» рўзномаси ўзининг 1982—1983 йиллардаги йигирма тўрт сонида Ботирхон домланинг Бобур ҳақидаги мақоласини чоп этди. Мазкур газета таҳрир ҳайъати ўз изоҳида «ушбу мақола ҳозиргача Шўрави Ўзбекистонида Бобур ва унинг асарлари ҳақида ёзилган мақолаларнинг энг тозаси ва энг муфассалидур», деб ёзди. Мақола биринчи марта «Ўзбек адабиёти тарихи» беш жилдлик китобининг учинчи жилдида (42—882-бетлар) чоп этилган эди. Афғон адабиётшунослари уни ўқишган, манзур тушгач, «Юлдуз» рўзномасида нашр этиш учун тавсия қилишган. Ижодкор учун бундан юксак мукофот бўлмаса керак.

Ботирхон домланинг илм оламида қозонган эътибори, тадқиқотлари олган ҳаққоний баҳо фидойилик маҳсулидир. Улар мангуликка, боқий умрга дахлдордир. Унинг қаламидан чиққан, заковатидан нур эмган мақолалар адабиётшунослигимиз равнақига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Ботирхон домла ўзбек, тожик, рус тилларида бирдай фикрлайди, равон ёза олади. У — бағри кенг, эзгулик ва маърифат ёғдусига катта ишонч қўйган байналмилалчи олим. Олимнинг ишхонаси ортиқча анжом ва ҳашамлардан холи. Аммо бу хонада катта маънавий бойлик мужассам: нодир қўлёзмалар, тошбосма нашрлар, Шарқ халқлари адабиёти буюк сиймоларининг асарлари, илмий китоблар, мажалла ва тўпламлар...

ВОРИСИЙЛИК— МУҚАДДАС

Ботирхон домланинг таржимаи ҳоли ўзи сингари оддий. У Самарқанд шаҳрининг фарзанди. Ўн ёшида ўқувчи либосида Улуғ Ватан урушини қарши олди. Қувноқ болалик ўрнини жиддият эгаллади. Халқнинг бошига тушган кулфат, очлик, алам ва изтироблар уни ҳам ўз домига тортди. Меҳнат ва ўқишни ёнма-ён олиб борди. Адабиётнинг сеҳрли олами уни мафтун қила бошлади. Ботирхон домла маърифатли хонадонда улғайди. Илк сабоқни падари бузрукворидан олди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Набираҳўжа Валихўжаев ўз фарзандидаги салоҳиятни вақтида илғади. Ўзида бўлган шеър завқини ўғлига ҳам юқтирди. Н. Валихўжаев Самарқандда маориф равнақини таъмин этишда умрини бағишлаган фидойи инсон эди. У узоқ йиллар математикадан сабоқ айтган. Ботирхон домланинг волидан муҳтарамаси Ҳафизахон Тўрахўжа қизи ҳам бадиий калом шайдоси эди. Ота ва онадаги бу ноёб фазилатлар фарзанд табиатида такмилига ета борди. Ботирхон домла ҳам зиёли бўлди. Нозикфаҳм сўзшунос — шеършунослик унинг бир умрлик машғулотига айланди. Инсонни улуғлаш, қадршунослик, замондошларига фақат яхшиликни раво кўриш, уларни ардоқлаш Ботирхон домлага ота меросдир. Бундай фазилатлар Хилъатда мўл бўлган. У эзгулик уруғини нафақат фарзандлари, балки кўп сонли шогирдлари дилига ҳам жо қилиб кетган.

Донишманд отанинг панду ҳикматларига амал қилган Ботирхон домла завол кўрмади. Обрў-эътибор қозонди. Халқи, касбдошлари, шогирдлари назарига тушди. У филология фанлари доктори (1968), профессор (1971), Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси (1978), жумҳуриятда хизмат кўрсатган фан арбоби (1982), Бутуниттифоқ шарқшунослар жамиятининг аъзоси (1983), Самарқанд давлат дорилфунуни адабиёт кафедрасининг мудири (1974 йилдан ҳозирга қадар) каби кўплаб илмий даража, унвон ва лавозимларга сазовор бўлди. Оддий талабаликдан бундай юксак чўққиларга чиқишнинг ўзи бўлмайди. Улар ортида фидойилик, катта меҳнат ва сабру бардош бор. Энг муҳими, Ботирхон домла ўқиа унвону мукофотлар ортидан қувган эмас. Нопоклик, ноҳалоллик, хушомадгўйлик қилгани йўқ. Мукофоту унвонлар эса Ботирхон домлани топиб олган...

МУАЛЛИМЛАР СУЛОЛАСИ

Луғатлар сулоланинг «авлод, авлод-аждодлар, бир авлоддан тарқалиб, бирин-кетин ҳокимлик қилган подшолар сафи» каби маънолари борлигини қайд этишади. Даврлар ўтиши билан «сулола» сўзига муносабат ҳам ўзгариб борди. Бугун уни турли касбу ҳунарлар, илму адаб, санъат жабҳаларида қўллаш ҳам расмга айланди. Ботирхон домланинг ўзи жиддий тадқиқотлари туфайли самарқандлик Абдуллайсийлар хонадонининг етти асрлик фақеҳлик (ислом қонуншунослиги) мактаби намоёндалари — сулоласи арбобларини аниқлашга эришди. Бас шундай экан, биз бугун Ботирхон домланинг ибратли, ҳавас қилса арзигулик оиласи ҳақида «муаллимлар сулоласи» иборасини ишлатишга тўла ҳақлимиз. Муаллимлик нони билан суяги қотган Ботирхон домла отанинг табаррук касбини улуғлади. Ўзини шу соҳага бағишлади. Табиатан болажон, юрагида уларга сўнгсиз меҳр жўш урган Хадича Мулло Аминбой Бухорий қизи билан оила қурди. Чинакам қаёт ва меҳнат йиллари бошланди. Ҳазрат Алишер Навоий башорат қилганларидек:

Илм, Навоий, санга мақсуд бил,
Эмдики илм ўлди, амал айлагил.

Бу доно сатрлар мағзидаги маъно Ботирхон домла хонадонининг доимий йўлдоши бўлиб келди десак, хато бўлмас.

Улуғ Навоий асарларини ўқиш, улар ҳақида ёзиш ва сабоқ айтиш кифоя эмас. Шундай қилинганда, буюк бобокалон шоиримизнинг юқоридаги ўгитлари амалга ошмай қолган бўлур эди. Ботирхон домланинг бахти шундаки, турмушини ҳам ҳазрат Навоий кўрсатмалари асосида қурди. Илмни «воситан жоҳ (мол-мулк), амал, раёсат» билмади. Қаноатни буюк эътиқод даражасига кўтарди. Фарзандларига муносабат бобида ҳам ўша шоҳ йўлнинг амал қилганлигини кўрамиз. Маълумки, «Ҳайратул-аброр» достонининг олтинчи мақолоти адаб баҳсига бағишланган. Буюк аллома адаб қирраларини ёритар экан, ота-она ва фарзандлар ўртасида кечиши муқаррар бир қатор жараёнлар хусусида ҳам мушоҳада юритади:

Улча эрур тифлға шойиста иш,
Балки кичикликда эрур парвариш...

Бириси қўймоқлик эрур яхши от,

Ким десалар етмагай андин уёт.

Ҳазрат Навоий ҳаққоний қайд этганларидек, бола тақдиридаги илк маросимлардан бири унга ном қўйишдан бошланади. Ўша исми шарифнинг замирида эса ота-онанинг ширин орзулари яширин. Олти фарзанд аксариятининг биринчи бўғини «фар» билан бошланади. Алишер Навоий асарларида эса шу бўғин билан ибтидо топувчи юзлаб ном ва сўзлар учрайди. Улар ўзбек шоири ўша калималар иштирокида гўзал шоҳ байтлар ҳам яратган:

Ахтаридин меҳрға фархундалиқ,

Бадру ҳилол айлаб анга бандалиқ.

Ёки:

Навоий, сўз айтурда фарзона бўл,

Чу иш бошингга тушти, мардона бўл.

«Фар» ва унинг аралашуви билан ҳосил бўлган сўз-номлар «порлоқлик, ҳашамат, шукуҳ, безак, қадр-қиймат, иззат, гўзал, ёқимли, бахтиёр, қутлуғ, бахтли, улуғ, муборак, поклик, хуш толеъ» сингари хилмахил маъноларни ташийди. Уларнинг бири билан фарзандини атаган ота-она айримларигина саналган олижаноб инсоний фазилатларнинг ўз норасидаси тақдирида рўёбга чиқишини орзу қилади. Ботирхон домланинг эзгу орзулари ҳам ижобатга ўтди. Фарзандлар муносиб ном ва тарбияни оқладилар, ақлли, фаросатли, муаллимаю муаллимлар бўлиб вояга етдилар.

ЭЗГУЛИК— СЎЗ ЖАВҲАРИ

Инсоннинг табиати ажиб бир мўъжизага ўхшайди. Уни тайёр қолипларга солишнинг иложи йўқ. Чунки ҳар бир шахс бош йўлга ўз йўлагидан кириб келади. Яхшими, ёмонми, қатъи назар, ўз пайрахасини солади, изларини қолдиради. Тарих ва тақдир синовларига дош беради. Ҳаётининг маълум босқичларида ўзига сарҳисоб беради, навбатдаги ҳаракат режаларини тузиб олади. Шу тариқа умр деган оғир карвон йиллар ва йўллар оша силкиниб, ҳамиша олға интилади. Олисда турган бир нур доимо уни ўзига даъват этади... Ботирхон домла ҳам ўша эзгулик, илм-маърифат ёғдуси сари тинимсиз интилади. Олимни изланиш, янги-янги ниятлар бағрида кўриш бизга ҳузур бағишлайди. Унинг бундай рафтори галдаги парвоз олдида турган жасур бургут ҳаракатини эслатади. Олим қалам ва қоғоз билан сирлашади, ёвузликка қарши жанг очади, адабиётимиз тарихининг нурсиз саҳифаларига равшанлик киритади, шогирдлари учун янги, ҳали ҳеч ким айтмаган гап топади. Мутолаа, тафаккур уммонида сузиш, топилмаларини ақл тарозусида тортиш, ёзиш — булар Ботирхон домланинг ҳаракат дастури! Унинг ортда қолган изларига разм соларканмиз, қалбимиз беҳад ифтихор туйғуларига тўлади. Олимга ҳавас ва ҳаяжон билан боқамиз. Унинг қўша-қўша китоблари саҳифаларида қолган навқирон ёшлигининг зоя кетмаганлигига қаноат ҳосил қиламиз. Қирқ йилга яқин ҳаёт мазмуни адабиётшунослигимиз хазинасига улуш бўлиб қўшилганлиги баҳоят қувончли ҳолдир.

Шарқ халқлари адабиёти тарихи билан шуғулланишни бўйнига олган тадқиқотчи олдида жуда кўп талаблар кўндаланг бўлиб туради. Қадимий қўлёзмаларнинг инжиқликларига бардош бериш, тил билиш, ислом ва тасаввуф тарихидан хабардорлик, энг муҳими, шу соҳага юксак меҳр билан қараш, назмий нозикликларни ҳис эта олиш... Ана шу талаблар тақозосидан келиб чиққан ҳолда Ботирхон домланинг илмий фаолиятига назар ташланса, ижобий жавобларнинг қаторлашиб келиши намоён бўлади.

Орадан ўтган йиллар давомида унинг ибратли инсоний фазилатлари, илм оламидаги ютуқлари ҳақида қизғин муҳокама-мулоҳаза юритувчи бир қатор қизиқарли мақолалар эълон қилинди. Олимнинг таржимаи ҳоли, асарларига доир маълумотлар Ўзбекистон ва Тожикистонда чоп этилган қомуслардан ўрин олган. Олимнинг эллик йиллик тўйи муносабати билан эълон қилинган мақолалардан бирида ўқиймиз: «Ҳамиша тадқиқот иштиёқида ёниб янгилик илинжида изланиш Б. Валихўжаевни адабий манбалар, ҳодисаларни Ўрта ва Яқин Шарқ адабиётининг умумий контексти билан узвийликда қараш ҳам матншунослик, ҳам адабий-тарихий йўналиш ва ўзаро алоқа масалаларини чамбарчас боғлиқликда ўрганиш сари етаклади. Форс, араб, рус ва француз тилларини яхши билган олим ва совет ва чет эл тадқиқотчилари яратган ишлардан бохабар ҳолда жаҳон адабиётшунослиги талабларидан келиб чиқиб, қиёсий мулоҳаза юритиш заминида сўз санъатининг ички хоссаларини очиб кўрсатишга муваффақ бўлади».

Илмий ишда сонга маҳлиёлик, маромига етмаган ҳар бир нарсани ўқувчи ҳукмига ҳавола қилиш яхши оқибатларга олиб келмаслиги тайин. Маҳсулдорлик сифат ва савия билан эгизак келган жойдагина фаннинг маълум тармоғи наф кўриши мумкин. Ботирхон домланинг шуурида муҳимлашган ақидаси ана шундай ва у ҳамиша бунга қатъий амал қилиб келади. Шунинг учун ҳам олим бисотида ҳайратангиз даражадаги босилган ишлар йўқ. Унинг салкам қирқ йиллик фаолияти сарҳисоб қилинадиган бўлса, 180 дан зиёдроқ илмий ва 200 дан ортиқ илмий-оммабоп мақолаларни кўрсатиш мумкин.

Ботирхон домланинг жумҳурият матбуотидаги қалдирғоч мақоласи 1953 йилда босилган. Олим гарчи бугун классик адабиёт тарихи мутахассиси сифатида танилган бўлса-да, унинг катта майдондаги биринчи қадами Абдулла Қаҳҳор ижодиётига тегишли эди. 1954 йилда «Шарқ юлдузи» ойномасида босилган мақоласида у озар адиби Самад Вурғун адабий фаолияти ҳақида баҳс этади. Мазкур далилларни келтиришдан мурод рўйхатни бойитиш эмас. Балки олим қизиқишлари доираси ҳақида мушоҳада юритиш, ўша мазмундор асарларнинг байналмилал моҳиятини таъкидлашдан иборатдир.

Бадиий асар сингари илмий иш ҳам ўз муаллифининг фарзанди қаторида туради. Ўзини дунёга келтирган ижодкор руҳи, ақлу заковати, тафаккуридан озиқланади. Бунёдкор қалбнинг тафтидан ҳарорат олади. Муаллифнинг нимага қодир эканлиги унинг ёзганларида намоён бўлади. Шу маънода Ботирхон домла илмий асарларида закий, кенг қамровли, чуқур мулоҳазали, одоби юксак ва ўта андишали комил инсон сиймоси кўзга ташланади.

Шу нуқтаи назардан унинг «XV — XIX асрлар ўзбек адабий-танқидий қарашлари тарихидан» сарлавҳали йирик илмий тадқиқоти катта аҳамият касб этади. Тан олмоқ даркор, мазкур асар ўз муаллифини илмий-адабий жамоатчиликка янада кенгроқ таништирди. Фаннинг чинакам фидойиси, эътиборга молик салоҳият эгаси эканлигини намойиш қилди. Тадқиқот яхлит, якунланган, бўлиқ хулосаларга бойлиги билан ҳам диққатни тортади.

Ботирхон домланинг илмий кузатишларида ҳалоллик, холисона ва беғараз мушоҳада юритиш майли баланд туради. Олимнинг қайси бир мақоласини қўлга олманг, унда таҳлилга тортилган мавзунинг ўрганилиши тарихига мурожаат қилинганлигининг шоҳиди бўласиз. Тадқиқотчи ўтмишдошлари томонидан амалга оширилган ишларни эринмай йиғади, мазкур мақолаларни синчковлик билан ўрганади, тасниф этади, ютуқ ва нуқсонларини мулойимлик ва одоб доирасида айтади.

Ботирхон домла Алишер Навоий асарларини эски ўзбек ёзувида ўқиб саводини чиқарган. Унинг иш столида сарғайган саҳифалар, биз унутишга улгурган ёзувдаги китоблар саф тортиб туради. Олимнинг яна бир бебаҳо хазинаси бор. Бу ҳазрат Алишер Навоий номидаги дорилфунун кутубхонаси Шарқ қўлёзмалари бўлимидир. Ботирхон домла бу мулк оталиғини жамоатчилик асосида ўз зиммасига олган. Уни янада бойитиш, мавжуд қўлёзмаларни авайлаб асраш, кўрсаткичини тузиш ва нашр этиш фидойи олим зиммасида. Бу даргоҳдаги анчагина кўҳна китоблар Алишер Навоийнинг асарларидир. Уларнинг меҳригиёси зукко олимни чорлайди, унга зарофат бағишлайди.

Мазмунли китоб офтобдан узилиб тушган бир тарам ёғдуга ўхшайди. Қуёш нури башарият йўлини мунаввар этса, яхши китоб ҳазрати инсон қалбида маърифат машъалини ёқади, унинг онги, шуури ва тафаккурига ноёб жавоҳирот, эзгулик, поклик қўшади ва истиқболга ундайди. Ҳассос тадқиқотчи Ботирхон домланинг «Ўзбек эпик поэзияси тарихидан» асари ўшандай гўзал фазилатли китоблар сирасига киради ва кўп сонли ўқувчилар диққатини ўзига жалб этди. Мазкур рисола олимнинг йиллар давомида олиб борган машаққатли илмий кузатишларининг ҳосиласидир. Шундай гапни академик В. Абдуллаев билан ҳамкорликда яратилган «Асрлар нафаси» хусусида ҳам айтиш жоиздир.

Ботирхон домланинг «Мирий ва унинг замондошлари», «Навоий ижоди — илҳом манбаи» каби ҳаммуаллифликда яратилган китоблари ҳам адабиётшунослигимиз хазинасига қўшилган бебаҳо дурдоналардир.

Сўз ва сўзшунослик — олий неъмат. Уни ҳунар даражасига кўтара олган инсон эса улуғдир. Зеро, ҳазрат Навоий ҳам бу ноёб фазилатни юксак ардоқлаганлар:

Маъдани инсон гуҳари сўз дурур,

Гулшани одам самари сўз дурур.

Сўз била нафъ ўлмаса эл пешаси,

Яхши керак кўнглида андешаси.

Жавҳари йўқ сўздан не фойда? У кимга манзур бўлиши мумкин? Модомики, сўз гавҳар экан, у инсониятга наф келтириши, унинг умр йўлини нурлантириб туриши шарт. Ботирхон домла ўзини ана шу йўлда ҳамиша камарбаста деб билади. Эли, адабиётига, умуман, маънавиятга манфаати тегадиган асарлар яратиш орзуси эса уни юксак уфқларга чорлайди.

ХОТИМА

Улуғ Алишер Навоий таваллудининг беш ярим асрлик тўйи бўлиб ўтди. Шу нуқтаи назардан Ботирхон домланинг фаолиятига разм соламиз. Қалбимиз ифтихор туйғуларига тўлади. Устоз олим ҳамон фаоллик жиловини қўлдан бергани йўқ. 1990 ва 1991 йилнинг боши билан унинг ўнлаб жиддий мақолалари «Ўзбек тили ва адабиёти», «Мулоқот» ойномалари, тўпламларда чоп этилди. Илк бор тажриба сифатида яратилаётган «Навоий қомуси» учун биринчилардан бўлиб талайгина мақолаларни ёзиб беришга улгурди. Навоий юбилейи Самарқандда бошқача ўтди. Агар академик В. Абдуллаев ҳаёт бўлганида, ташкилий ишлар унинг зиммасида бўларди. Бугун улар шогирдга кўчди. Улуғ алломанинг йўқлигини билдирмаслик эса ҳам фарз ва ҳам қарз. Ботирхон домла бу ақидани дил тубига мустаҳкам ўрнаштириб қўйган. Қилинаётган ҳаракатлар ҳам шунга муносиб. Самарқандда шу тўй билан боғлиқ амалга ошириладиган талай ишлар бошида Ботирхон домланинг туриши шарт. Шунинг учун жумҳурият ойнаи жаҳонида бир неча марта чиқиш қилди. Алишер Навоий тўйи ҳозирлиги билан боғлиқ турли мухбирларнинг саволларига жавоб берди. Жумладан, унинг 1988 йилнинг 9 феврали муносабати билан вилоят рўзномасида чоп этилган мақоласида ўқиймиз: «Маълумки, Алишер Навоий Самарқандда 3—4 йил яшаб ижод этди. Кейин ҳам бу шаҳар билан алоқасини узмади, уни доим эслади. Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда Самарқандда, хусусан, Фазлуллоҳ Абдуллайсий мадрасаси жойлашган Фақеҳ Абдуллайс маҳалласида Навоий музейини ташкил этиш масаласини яхшироқ ўйлаб кўриш даркор. Бу музейда «Навоий ва Самарқанд», «Навоий ва Абдуллайсийлар хонадони» мавзуи кенг ёритилса, умуман, Самарқанд ва Навоий билан боғлиқ мавзу — Самарқанднинг навоийшунос олимлари, рассомлари, муғанний ва хонандалари, Самарқандда Навоий номи билан аталган жойлар тарихи, шоир анъаналарини давом эттирган Самарқандлик ижодкорлар, Навоий асарлари Самарқанд саҳналарида каби масалалар ҳозирги замон талаблари асосида намойиш этилса, мутафаккир туғилган куннинг 550 йиллигига арзигулик бир совға бўлур эди». Урфиятда «Яхши гапга фаришталар «омин» дейди» деган нақл бор. Ҳалоллик ва эзгулик яшаш тарзи бўлган Ботирхон домланинг бу ажойиб ниятлари жумҳурият ҳукумати қулоғига етди. Алишер Навоий тантаналари шарафига бунёд этиладиган тадбирлар рўйхатидан жой олди. Уларни рўёбга чиқариш ҳаракати бошланди. Музей биноси қад кўтаргунча ундан жой оладиган ашёлар ҳам тайёр бўлди. Чунки режалар аллақачон белгиланган, иш бошида Ботирхон домла фидойилик кўрсатмоқда. Унинг «Абдуллайсийлар хонадони» сарлавҳали туркум мақолалари, «Алишер Навоийнинг Самарқанддаги қадамжолари» харитаси барпо этилажак музейнинг қалдирғоч кўргазмаларидир. Олимнинг Самарқанднинг Алишер Навоий тақдирида ўчмас из қолдирган ўша табаррук хонадон ҳақидаги мақоласида яна бир ширин орзу ўз ифодасини топган. Унда ўқиймиз: «Бу хонадоннинг ана шундай хизматларини ардоқлаш мақсадида Хожа Фазлуллоҳ Абдуллайсий, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийларнинг муносабатларини бадиий гавдалантирувчи обида — ҳайкал яратиб, у Фақеҳ Абуллайс маҳалласида қўйилса; Абдуллайсийлар хонадони тарихини ёритувчи музей ташкил этилса, нур устига нур бўларди...». Олим шуурида сайқалланиб, унинг қаламидан жило топган бу жумлаларни ўқиб, беихтиёр хаёлга толасан, киши.

Ботирхон домла — катта олим. Она-табиат уни гўё нуқул ўқиш, ёзиш, изланиш учун яратгандай. Унинг кунлик фаолиятига юқоридагилар билан бирга шогирдларига дарс айтиш ҳам қўшилади. У ҳамиша режалар бағрида яшайди. Домланинг имконият ва имтиёзлари улкан. Аммо у ўшаларни пеш қилиб идорама-идора юришни хуш кўрмайди. Олим билан мулоқот бизга маънавий завқ беради, унинг галдаги режаларидан хабар топамиз. Ботирхон домла Аҳмад Ҳожибек девонини изламоқда. Бу ширинсухан шоирнинг Алишер Навоий билан ижодий алоқаларини бафуржа ёритиш навоийшуносликдаги бўшлиқлардан бирини тўлдиради. «Девони Фоний»нинг нашри ва ўрганилиши замон талабларига мувофиқ эмас. Бу ишга икки тил ва икки адабиётдан хабардор олимлар киришсалар, адабиётшунослик манфаат кўради. Буни яхши ҳис этган Ботирхон домла мазкур мавзуни ҳам ўз назоратига олган.

Олим тадқиқотлари занжирида бўлиқ бир ҳалқа вужудга келди. Бу Хожа Аҳрори Валий шахсияти ва таълимотига муносабат ҳалқасидир. Ботирхон домла ғоят савоб ишга қўл урди. Унинг дастлабки кузатишлари «Ҳақиқати Ўзбекистон» рўзномаси, «Мулоқот» ойномасида эълон қилинди. Хожа Аҳрор баҳсига доир яхлит китоб эса якунланиш арафасида...

Ботирхон домла азал-азалдан бир қавм, бир қариндош бўлган икки — ўзбек ва тожик халқлари маънавий балоғати йўлида баракали хизмат қилмоқда.

Раҳим ВОҲИДОВ,
филология фанлари доктори.

Ўтамурод НУРМУҲАМЕДОВ,
филология фанлари номзоди.

• *Одобнома*

«НОН ҲАМ НОН, УШОҒИ ҲАМ...»

Бозор иқтисодиёти нон маҳсулотларини қадрлаш, эъзозлаш, уни тежаб-тергаб истеъмол қилишни тақозо этади. Афсуски, ҳамон дераза токчаларида, синфхоналарда, ошхонада, ҳатто чиқиндилар қутисида ётган нон бурдаларига дуч келасиз. Ҳа, нон бўлакларига бефарқ қараётган ўқувчилар нон қадрини, ҳаётда нондан азиз ва мўътабар ризқ-рўз йўқлигини тушуниб етмагани афсусланарли ҳолдир. Шу боис болалар қалбига нон истеъмол қилиш, тежамкорликка риоя этиш одобини сингдириш муҳимдир.

Нон — ота-боболаримиз яратган буюк кашфиёт. У бизга мерос. Тўғриси, нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини исроф қилмаслик, ҳаётда тежамкор бўлиш ҳам инсоний фазилатдир. Бу муҳим вазифани амалга оширишда тарбиявий машғулотларнинг аҳамияти беқиёс. Синф раҳбарлари ўқувчиларнинг ёш хусусиятини, синфнинг умумий ҳолатини ҳисобга олиб, «Нон — ризқ-рўзимиз», «Нон ҳам нон, ушоғи ҳам нон», «Оилада тежамкорликни қандай амалга оширасиз?», «Тежамкорлик кони фойда», «Нонга эътибор — элга эътибор», «Нон — меҳнат маҳсули» каби мавзуларда «Нон дарслари» ўтказиши мумкин.

Машғулотларнинг самарадорлиги унга қанчалик жиддий эътибор билан қаралишига боғлиқ. Синф раҳбари ҳам, ўқувчилар ҳам бир неча кун изланишлари, тайёргарлик кўришлари лозим. Акс ҳолда тарбиявий соатларнинг таъсири бўлмайди. Болалар мавзуга доир эртаклар, афсоналар, халқ мақоллари, шеърлар, ашулалар ўрганиши жуда муҳимдир.

Ўқитувчи машғулотни баҳс, суҳбат услубида ҳамда кичиккичик саҳна кўринишлари асосида ташкил қилиши мумкин. Масалан,машғулотни синф раҳбари кириш сўзи билан бошлайди. Унда, жумладан, қўйидагиларни таъкидлайди:

«Нон энг азиз ноз-неъмат. У инсон меҳнатининг маҳсули. У яшаш манбаи, ҳаёт шарти. Нонсиз яшаб бўлмайди. Бир дона нон пишиб, дастурхонга келгунича узоқ йўл босади. Унга ғалла эккан деҳқон, ишчи, нонвойнинг, қоловерса, нон ёпган онамизнинг меҳнати сингган. Ҳар биримиз бир кунда ўртача 400 грамм нон истеъмол қиламиз. Бу синфимиз бўйича бир кунда 12 килограммни ташкил этади. Мактаб, район, вилоят бўйича ҳисобласангиз, жуда катта рақам ҳосил бўлади».

Ўқитувчи нон қадри ҳақида фикр юритиб, нонга алоқадор бўлган ҳикматли сўзлар, қиссалар ўгитидан ўқувчиларни баҳраманд этади.

Шунингдек, ўқитувчи нон исрофи ҳақида тўхталиб, қўйидагича фикр юритиши мумкин: агар ҳар биримиз бир кунда 20 грамм нонни ташлаб юборсак, бир йилда 7,3 килограмм, 10 кишилик оила эса 73 килограмм нонни исроф қилган бўлади.

У мисол тариқасида стол четида турган, териб келинган нон бўлакларини кўрсатади: «Сизларга ўхшаган болалар ташлаб кетган. Улар нонга нисбатан ҳурматсизлик қилган. Бундайларни халқимиз «нон кўр қилгур» дейди. Ҳа, нонни хор қилиш мумкин эмас. Донолар «Нимани хор қилсанг, шунга зор бўласан», деб жуда тўғри айтишган».

Шундан кейин болалар бирин-кетин ўрнидан туришиб, нон ҳақида эртаклар, ривоятлар, мақоллар, шеърлар ўқиб, ашулалар айтишади. Нон ҳақида алломаларнинг сўзларини келтиришади. Нонга ҳурматсизлик қилган синфдошларини танқид ҳам қилишади.

Ўқитувчи суҳбат мавзусини ўзгартириб, болалар диққатини нонниг шифобахш хусусиятига тортади...

Синф раҳбари машғулотни якунлар экан, нонни эъзозлаш, қадрлаш, ундан тежамкорлик билан фойдаланиш ҳар бир ўқувчининг бурчи эканлиги яна бир бор уқтиради. Ҳа, нон ота-боболаримиз томонидан бекорга ардоқланмаган. Пешона тери тўкиб етиштирилган нон маҳсулотларини тежаб-тергаб, расамади билан истеъмол қилишда ҳикмат кўп.

Ш. ОТАҚУЛОВ,
Самарқанд вилояти Пайариқ районидаги 69-ўрта мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари.

Кутлайсиз!

Азиз падари бузрукворимиз **Холмўмин ШУКУРОВ!**

Мана, бугун табаррук ёшингиз 60 га тўлди. Меҳрибон ота ва устоз сифатидаги умр йўлингиз биз учун ҳар доим ўрнакдир. Таълим-тарбиянгиз эса ҳаммамизни фақат яхшиликка, эзгуликка ундайди. Сиз доимо халқни ўйладингиз, хизматида бўлдингиз. Халқ маорифи ва таълимини ривожлантиришдаги Сиз татбиқ этаётган янгиликлар, янгича иш дастурлари жумҳурият халқ таълимида ва ҳамкасбларингиз ўртасида кенг қўлланилаётир. Камтарона хизматларингиз ҳукуматимиз, Халқ маорифи вазирлиги томонидан муносиб тақдирланмоқда. Жумладан, яқинда Сизга Президентимиз Фармонига биноан берилган «Ўзбекистон халқ ўқитувчиси» юксак унвонини вилоят ва район халқ таълими ходимларининг меҳнатларига берилган катта баҳо деб биламиз.

Сиз ҳамон изланишдасиз. Ташаббус доимо ҳамроҳингиз, шеърият эса қанотингиз бўлмоқда. Биз, жигаргўшаларингиз Сизни 60 ёшингиз билан самимий қутлаймиз. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва ижодий баркамоллик тилаб қоламиз.

Эҳтиром ила — севикли набираларингиз, келинларингиз, фарзандларингиз ва уларнинг меҳрибон онаси.

Кутлайсиз!

Муҳтарама устозимиз Наимахон Абдуллаевна ТУРАХОНОВА!

Сизни муборак 60 ёшингиз ҳамда фаолиятингизга 40 йил тўлганлиги муносабати билан қизғин муборакбод этамиз.

Сиз ўз касбининг асл билимдони, мураббияларнинг доно устози, ёшларимизнинг доимий ғамхўри сифатида эл ҳурмат-эътиборини қозониб келдингиз. Сиздаги камтарлик, самимийлик, касб-корга фидойилик каби хислатлар шогирдларингизга ҳамиша ўрнак бўлиб келмоқда.

Мана, умрингиз карвони 60 баҳорни қоралади, лекин Сиз ҳамон сарбон сингари машақкатли йўлдасиз. Сизга энг бахтли кунда узоқ умр, тинчлик-хотиржамлик, метиндек мустаҳкам соғлиқ тилаймиз. Жамоамизга кўп йиллар бош бўлиб юришингизни Оллоҳдан сўраб қоламиз.

Шайхонтоҳур районидаги 343-болалар боғчаси жамоаси.

Кутлайсиз!

Одам бўладиган бола олисга қарар, — дейишади. Ўткирбек, сенинг илмга чанқоқлигинг болалигингданоқ сезилган эди. Мақсадинг ўқитувчи бўлмоқлик эканлигини билиб қувондик.

Фориш районидаги Гараша қишлоғидаги ошналаринг, сенинг қадрдон таниширинг қувончу шодликларингдан ҳамиша хабардор. Туғилган кунинг билан қутлар эканмиз, орзу-қишларингни, эзгу мақсадларингни укаларингга ҳам юқтир, — деймиз. Чунки бутун умр чўпон бўлиб ўтган Эргаш ота хонадонидаги ўн фарзанднинг билимли бўлиши биз учун катта бахт.

Салом билан аканг Фориш районидаги 38-мактаб ўқитувчиси Уроқжон Каримов ва тенгқур дўстларинг: Аввалбек Қаршиев, Рустам Лутфуллаевлар.

ДИЛ СУҲБАТИ

ОСМОН ОФТОБИ БИЛАН, ИНСОН ЭСА...

Қиз болани энг нафис, энг нозик гулга қиёслашади. Гўзалликда гулга баҳслаша оладиган қизларимизни гулдек авайлаб, ардоқлаб етук, нафосатли қилиб тарбиялаш учун нималарга эътибор бермоқ даркор?

Яқинда бир гуруҳ олима аёлларнинг шу мавзудаги суҳбатларида иштирок этдик. Пайтдан фойдаланиб, Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг бўлим мудири, педагогика фанлари номзоди Қумри Абдуллаева, Қўқон давлат педагогика институти доценти, педагогика фанлари номзоди Ҳафизахон Холиқова, Жиззах давлат педагогика институтининг ўқитувчиси Муяссар Маҳмудова, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг илмий бўлим ходими Ҳилола Мирзажоноваларга ўзимни қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилдим.

— Қумри опа, ҳаётимизнинг кўрки, гўзаллиги, оналамизнинг қувончи бўлган қиз болаларни одобли, назокатли қилиб тарбиялаш учун ота-оналар, педагоглар нималарга эътибор бериши керак деб ўйлайсиз?

— Ота-она учун ўғил бола ҳам, қиз бола ҳам бирдек азиз, бирдек ардоқли. Лекин қиз боланинг тарбияси айрим жиҳатлари билан ўғил боланинг тарбиясидан фарқ қилади. Чунки қиз боланинг оилада, жамиятда тутадиган ўрни ўзига хослиги, серқирралиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Албатта, таъкидлаш жоизки, қиз бола ўсиб бошқа бир оилага келин бўлади, у ерда туб қўйиб палак отиши учун унда етарли тарбия, малака бўлиши керак. Бунинг учун эса болаликданоқ меҳнатсеварликка, одобга, ширинсуханликка ўргатиш, қиз болани турмушга пухта тайёрлаш керак. Унинг поклиги, хулқий гўзаллиги, юриш-туриши, ақл-идроклиги бўлиши ўзи учун келажакка заминдир. Шу хислатларни шакллантиришда, энг аввало, оналарга кўп нарса боғлиқ. Педагогларимиз ҳам тарбиянинг ана шу жиҳатларини ҳеч қачон диққат-эътибордан четда қолдирмасликлари лозим.

— Ҳафизахон опа, Сиз ҳамиша талаба қизлар орасида бўласиз. Қизлар бу ёшда ҳар бир хатти-ҳаракатни тез илғаб, ўзлаштириб оладиган сезгир ва зийрак бўлишади. Уларнинг ҳар жиҳатдан етук бўлиб улғайишида педагогларнинг шахсий таъсири ҳам алоҳида ўрин тутса керак?

— Албатта, кўпинча талаба қизларимиз педагогларнинг нутқ маданиятидан, кийиниш маданиятидан, муомала маданиятидан андоза оладилар, уларга ўхшашга ҳаракат қиладилар.

Ёшлик даврини баҳорга ўхшатишади. Баҳор гулларидек нафис, ғунчадек нозик бўлиб етишган қизларнинг елкасида бу даврда катта масъулият юки бўлиши табиий. Чунки ўзларига мос, аёлларга хос касб танлаш, ҳунар эгаллаш, бир умрлик умр йўлдоши танлаш ва бошқа қатор мураккаб вазифаларни ҳал этиш керак бўлади....

Ҳа, қизларимизнинг бахтли бўлишлари учун биз педагоглар ҳам қайғуришимиз, турмушнинг пасту-баланди ҳақида йўл-йўриқлар кўрсатмоғимиз, керакли маслаҳатларни аямаслигимиз лозим, деб ўйлайман. Чунки қизларимиз бу ёшда ота-онадан кўра кўпроқ биз билан мулоқотда бўлишади, бизни тинглашади, ўрганишади.

Юқорида сиз талаба қизларга педагогларнинг шахсий таъсири деган жумлани ишлатдингиз. Тўғри, аёл ўқитувчиларнинг талаба қизларга шахсий намунаси жуда кучли бўлади. Бу даврда қизларимиз аёл ўқитувчиларнинг биронта хатти-ҳаракатини эътибордан четда қолдирмайли десак, муболаға бўлмайди. Кийинишда, ўзини тутишда, гапиришда уларга ўхшашга ҳаракат қилаётганликлари яқол сезилиб туради.

Модомики шундай экан, биз уларга кўп қиррали тарбиячи вазифасини ҳам сидқидилдан ўташимиз керак. Фақат билим бериш билан чегараланиб қолмасдан, уларнинг инсонийликнинг барча яхши хусусиятларини сингдиришга ҳаракат қилайлик.

— Муяссар опа, кийиниш одоби ҳақида қизларга қандай маслаҳатлар берасиз?

— Либос кийиш ҳам қизларнинг маданиятини кўрсатади. Баъзилар маданий кийиниш деб қимматбаҳо кийимларни назарда тутадилар. Талабаларнинг содда, камтаргина кийинганлари маъқул. Ҳаддан тор кийимлар кийиш одобдан эмас. Ёки ялтироқ матолардан тикилган кийимларни ўқишга кийиб келинса — эриш кўринади. Ўша қиз ўзини башқалардан юқори қўяётгандек бўлиб туюлади. Пардоз-андоз қилиш, юзга ҳар хил бўёқларни чаплаб келиш ҳам атрофдагиларга нисбатан беписандликни кўрсатади. Бундан ташқари, қиз боланинг пардозга, бўёқларга ружу қўйиши унинг кўркини йўқотади, табиий гўзаллигини сўндиради. Шунинг учун ҳам қизларимиз пардоз-андоз қилиш ёши бир жойга борган аёллар учун эканлигини унутмасинлар.

Биз педагоглар қизларимизнинг ҳаётда нима яхшию нима ёмон, нима чиройлигу нима хунук эканлигини фаҳмлаб, фаросатли, дидли бўлиб вояга етишларига масъулмиз. Гўзалликка бой ёшлик даврида ҳамма нарса табиий бўлгани маъқул. Мен қизларимизнинг сочларини кестирмасликларини маслаҳат берардим. Чунки соч ҳам бир ҳусн. Кўпчилик қизларимиз маданиятли бўлишга интиб, сочларини кестириб ташлайдилар. Бу катта хато. Шарқ гўзаллари ҳақида гапирилганда, бекорга қирқ кокилли деб таъриф этилмайди. Масалан, ўзимиз ҳам саҳнада қирқ кокилли раққосаларни кўрганимизда ёки кўча-кўйда сочи тўпиғини ўпган қизларни кўриб қолганимизда, беихтиёр маҳлиё бўлиб қоламиз. Нафис, узун кўйлак кийган, узун сочли қизлар худди эртакдаги париларни эслатади.

Мен қизларнинг кийиниш маданияти деганда, яна бир нарсани айтиб ўтишни истардим. Қиз бола тақинчоқларга ортиқча зеб бермагани маъқул. Тақинчоқлар кишини гўзаллаштирмайди, аксина, ортиқча ялтир-юлтир тақинчоқ кишини юриш-туришида халақит беради.

— Ҳилолахон, ўзбек қизларининг ҳуснига ҳусн, кўркига кўрк қўшиб турадиган нарса уларнинг одобидир. Лекин шоли курмаксиз бўлмаганидек, биз ҳамма қизларни бирдек ақлли, бирдек хушҳулқ, деб айта олмаймиз. Қиз бола жамоат жойларида ўзини қандай тутиши керак деб ўйлайсиз?

— Шарқ халқларига хос бўлган одоблиликни ота-боболаримиз қадим-қадимдан қадрлаб келишган. Лекин кейинги пайтларда баъзи миллий анъаналаримиздан бироз йироқлашиб қолганга ўхшаймиз.

Сизнинг саволингиз менга яқинда автобусда бўлиб ўтган бир воқеани эслатди.

Эрталаб, ҳамма ишга шошилаяпти, автобус тирбанд. Ҳар ким ўзининг ўй-хаёли билан машғул. Шу пайт Оврупо миллатига мансуб бир кампирнинг овози эшитилди:

— Қизим, сал сурилиб тургин, ўтиб олай.

— Эй, нималар деяпсиз ўзи, оёқ босишга жой йўқку, мен қаерга суриламан. Ана, керак бўлса, иложини топсангиз, ўтиб олаверинг, — деди қиз жеркиб...

Кампир ёш қиз билан олишиб ўтиргиси келмади, шекилли, индамай қўяқолди. Шу дақиқа автобус бекатга келиб тўхтади. Ундан бояги қиз билан унинг дугоналари бақириб-чақириб тушиб қолишди. Бояги кампир эса уларнинг ортидан «эҳ, ёшлар-а», дея уҳ тортиб қўйди...

Қадриятларимиз қайта тикланаётган ҳозиргидек бир даврда бунга ўхшаш воқеалар кишининг кўнглига ранж келтиради. Очиғи ўша қизларнинг «Осмон офтоби билан, инсон одоби билан гўзал», «Одоб бозорда сотилмайди», деган нақлларимиздан бехабар эканлиги ачинарлидир.

— Қумри опа, кўриниб турибдики, қиз болалар тарбияси жуда ҳам серқирра. Уларнинг одоб-ахлоқи, тўғрисидаги фикрларингизни ўртоқлашсангиз. Муҳарририятимизга шу мавзуда хат йўллаган баъзи қизларимизга ҳам жавоб берган бўлардик...

— Қиз бола ҳамиша ўз обрўсини сақлаши, оғир-вазмин, сипо ва андишали бўлиши керак. Кўча-кўйда ўқиш ва меҳнат жойида енгилтаклик қилиб, бўлар-бўлмасга хандон ташлаб кулавермаслиги, қаттиқ гапирмаслиги, бировларнинг орқасидан қўлини бигиз қилиб, сочлари ҳадиксираб, ўзини тутиб, ҳаёлчан бўлиб, ўзгаларга ҳурмат билан қараб, ҳаёсизларнинг ҳаёсизлиги, ёмонларнинг ёмонлиги, ёлғончиларнинг ёлғонлиги, ҳасадгўйларнинг ҳасадгўйлиги, ҳаддан ошганларнинг ҳаддини ошириб, ҳаддини ўзига ўргатиб, ҳаддини ўзига ўргатиб, ҳаддини ўзига ўргати